

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ КАФЕДРАСИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

«Ҳимояга қўйилади»

Кафедра мудири, и.ф.д., проф.

_____ К.Б. Уразов

«___» июнь 2017 йил

Эсанов Ойбек Мадатович

**ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР
АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(«Комил-Ишонч» аудиторлик ташкилоти
материаллари асосида)**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Мутахассислик - 5 А230902 “Аудит” (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш
соҳалари бўйича)

Илмий раҳбар - проф. Уразов. К. Б.

САМАРҚАНД – 2017

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-боб ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ (ҚҚС) БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	7
1.1. Қўшилган қиймат солиғига оид кўрсаткичлар тизими, уларнинг аудит объектлари сифатидаги таснифи ва тавсифи.	7
1.2. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларининг ҚҚС тўловчилари сифатидаги хусусиятлари	20
1.3. ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг заруратлари, мақсади ва вазифалари	38
2-боб ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ҲИСОБ- КИТОБЛАР АУДИТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА АХБОРОТ ТАЪМИНОТИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	42
2.1 ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг ташкилий асослари ва уни дастакларини такомиллаштириш йўналишлари.....	42
2.2. ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг ахборот манбалари ва уларни такомиллаштириш йўллари.....	
3-боб ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ҲИСОБ- КИТОБЛАР АУДИТИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	51
3.1. ҚҚСга тортиладиган тушумлар реаллигининг аудити	51
3.2. Бюджетга тўланадиган ҚҚС реаллигининг аудити	59
4-боб. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ СУБЪЕКТЛАРИДА МЕҲНАТ ВА ҲАЁТ ХАВФСИЛИГИ МАСАЛАЛАРИ.. ХУЛОСА.....	66 70
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	73
ИЛОВАЛАР.....	

КИРИШ

Диссертация иши мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Ҳар қандай кишилиқ жамиятида, маълумки, юқори қўшимча қиймат келтирувчи маҳсулот, иш ва хизматларни яратиш унинг ялпи ички маҳсулотини қўпайтириш, шу асосда иқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашда бош омиллардан бири ҳисобланади. Айнан юқори қўшимча қиймат келтирувчи маҳсулот, иш ва хизматлар улардан ундириладиган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) орқали давлат бюджетини тўлдиришда асосий ўрин тутати. Шу боис ҳам, «2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»¹ учинчи йўналишида қуйидагилар устувор вазифалар сифатида белгилаб олинди:

*ҳаражатларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолган ҳолда давлат, давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

*солиқ юкини камайитириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ушбу муҳим вазифалар бевосита республикаимиз иқтисодиётининг барча тармоқ ва соҳаларига, чунончи, моддий ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига дахлдордир. Чунки, айнан моддий ишлаб чиқариш, хизматлар ва сервис соҳалари субъектлари орқали республикаимизда янги қиймат яратилмоқда ва улар орқали бюджетга катта миқдорда ҚҚС тушмоқда.

¹ «2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 4947-сон фармони билан тасдиқланган

ҚҚСнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамияти уни корхоналарда юритиладиган бухгалтерия ҳисоби ва уларда ўтказиладиган аудитнинг муҳим объектларидан бири сифатида тавсифлайди. Ушбу жиҳат республикамиз корхоналари ва аудиторлик ташкилотлари ходимлари олдида ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини тўғри ташкил этиш, улар аудитини юқори савияда ўтказишдек масъулиятни юклайди. Айнан ушбу масъулият республикамиз фани олдида иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида ҚҚС бўйича ҳисоб китоблар ҳисоби ва аудитининг назарий, ташкилий ва методологик асосларини замон талабларидан келиб чиқиб доимий такомиллаштириб боришдек долзарб вазифани ҳам қўяди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ҚҚС, унинг ҳисоби ва аудитининг назарий асослари махсус фанларда ёритилган. Ушбу солиқга оид назарий ва амалий масалаларни тадқиқ этишда чунончи, республикамиз олимларидан А.В.Ваҳобов, А.С.Жўраев, Э.Ф.Гадоев, Р.Дўстмуродов, Ж.Р. Зайналов, Б.И. Исроилов, Х.Н. Мусаев, М.М. Тўлаходжаева, К.Б. Уразов ва бошқа олимлар² қаламига мансуб ишлар аҳамиятлидир.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, номлари юқорида зикр этилган муаллифлар ишларида ҚҚС аудитининг назарий, ташкилий ва методологик масалалари турли тармоқ ва соҳалар, чунончи хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси мисолида чуқур ёритилмаган, изланишлар амалиётда ушбу масалаларга оид чуқур тадқиқотларга муҳтожлик мавжудлигини кўрсатмоқда.

Диссертация мавзусининг тадқиқот амалга оширилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур магистрилик диссертация ишиг Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

² Ваҳобов А.В., Жўраев А.С. Солиқлар ва солиққа тортиш. - Т.: Шарқ, 2009; Гадоев Э.Ф. ва бошқалар Билвосита солиқлар: қиймат солиғи, акциз солиғи». – Т.: Норма, 2011; Дўстмуродов Р. Аудит асослари. Дарслик. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003; Исроилов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: Ўзбекистон, 2006; Зайналов Ж. Солиқлар ва солиққа тортиш. - Самарқанд, 2002; Мусаев Х.Н. Аудит. Дарслик. – Т.: Молия, 2003; Тўлаходжаева М.М. Аудит, Т.: БАМА, 2014; Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У. Солиқлар ва тўловлар аудитининг хусусиятлари. – Самарқанд, 2012; Уразов К.Б. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг долзарб масалалари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2011

ҳамда “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади ва унинг доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг назарий, ташкилий ва методологик асосларини тадқиқ этиш асосида уларни такомиллаштиришга доир аниқ илмий хулоса ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, унинг олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- * ҚҚС нинг аҳамияти ва унга оид кўрсаткичларнинг ҳисоб ҳамда аудит объектлари сифатидаги тавсифини, шунингдек хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларининг ҚҚС тўловчиси сифатидаги хусусиятларини очиқ бериш;

- * Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган талаблар асосида ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг мақсади ва вазифаларини белгилаш;

- * хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, чунончи унинг Ҳаракатлар стратегиясида корпоратив бошқарув тизимида қўйилган талабларига мос келувчи режаси ва дастурини ишлаб чиқиш;

- * хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг ахборот манбаларини такомиллаштириш, чунончи текширувларни енгиллаштиришга имкон берувчи счётлар ва ҳисоб регистрларини яратиш;

- * турли фаолият билан шуғулланувчи хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида ҚҚСга оид кўрсаткичлар реаллигини текшириш услубияти ҳамда улар бўйича тузиладиган аудиторлик иш ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Тадқиқотлар объекти сифатидан “Комил-ишонч” аудиторлик ташкилоти ва ушбу аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувлари ўтказилган турли тармоқ соҳа субъектлари, чунончи кўп тармоқли “Самарқанд- Автотеххизмат” АЖ танлаб олинди.

Тадқиқот предмети бўлиб турли тармоқ ва соҳа субъектларида ҚҚС бўйича бюджет билан бўладиган муносабатлар, уларга доир хўжалик жараёнлари ва ситуациялари, ҳисоб-китоблар ва аудиторлик муолажалари, дастаклари ва иш ҳужжатлари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Магистрлик диссертациясини бажаришда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, танлаб текшириш, ёппасига текшириш ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация ишида эришилган ва унинг илмий янгилигини ташкил этувчи назарий ғоялар ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар қуйидагилардан иборат:

*ҚҚС нинг аҳамияти ва унга оид кўрсаткичларнинг ҳисоб ҳамда аудит объектлари сифатидаги тавсифи, шунингдек хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларининг ҚҚС тўловчиси сифатидаги хусусиятлари очиб берилган;

* Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган талаблар асосида ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг мақсади ва вазифалари белгиланган;

* хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, чунончи унинг Ҳаракатлар стратегиясида корпоратив бошқарув тизимида қўйилган талабларига мос келувчи режаси ва дастури ишлаб чиқилган;

* хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг ахборот манбалари такомиллаштирилган, чунончи текширувларни енгиллаштиришга имкон берувчи счётлар ва ҳисоб регистрларидан фойдаланиш асосланган;

* турли фаолият билан шуғулланувчи хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида ҚҚСга оид кўрсаткичлари реаллигини текшириш бўйича муаллифлик услуби ҳамда уларни расмийлаштиришга доир мукаммаллаштирилган аудиторлик иш ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда келтирилган маълумотлар, хулоса ва таклифларнинг республикамизнинг қонунлари ва қонуности ҳужжатлари, статистик ва корхоналар маълумотлари, чоп этилган илмий ва ўқув ишлари, қабул қилиш-топшириш далолатномалари ва бошқаларга асосланганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда келтирилган хулоса, таклиф ва тавсиялар илм-фан равнақиға, корхона ва ташкилотлар амалий фаолияти самарадорлигини оширишға, ҳисоб ва ҳисоботни, шунингдек аудитни режалаштириш, уни дастакларини мукаммаллаштириш, аудиторлик текширувлари услубиятини такомиллаштиришға хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот асосида яратилган айрим ишланмалар, чунончи ҚҚС аудитининг мукаммаллаштирилган дастури, ахборот манбаларини ҳамда уларни расмийлаштиришға доир такомиллаштирилган аудиторлик иш ҳужжатлари “Комил-ишонч” аудиторлик ташкилоти ва “Самарканд-Автоттеххизмат” АЖ томонидан фойдаланишға қабул қилинган («Комил-Ишонч» аудиторлик ташкилотининг 2017 йил 17 майдаги №05/1 маълумотномаси ва “Самарканд-Автоттеххизмат” АЖнинг 2017 йил 20 майдаги маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари СамИСИда ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияда маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот натижалари бўйича жами ҳажми 0,8 б.т.дан иборат 2 та илмий мақола халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўпламида (СамИСИ, 2017 йил) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертациянинг умумий ҳажми 100 бет, шундан асосий қисм 80 бет, унда 10 жадваллар, 3 та диаграмма, 6 та расм, 8 та илова келтирилган.

1-бoб. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Қўшилган қиймат солиғига оид кўрсаткичлар тизими, уларнинг аудит объектлари сифатидаги таснифи ва тавсифи

Республикамізда мустақиллик йилларида миллий иқтисодиётимизни бозор муносабатлари асосида қайта қуриш ва раванқ топтириш учун ўзига хос солиқ тизими шакллантирилди. Ушбу тизимни шакллантирилишида, бир томондан бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга эга бўлган ривожланган мамлакатлар илғор тажрибасига таянилган бўлса, иккинчи томондан эса, республикаміз Биринчи Президенти И.А. Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели»га³ асосланилди.

Бугунги кунга келиб, республикаміз жаҳон ҳамжамиятлари томонидан тан олинган «ўзбек модели»ни ўзида ифодаловчи меъёрий-ҳуқуқий асосларига эга бўлган солиқ тизимига эга. Ушбу тизимнинг мазмун ва моҳияти 1997 йилда илк бор тасдиқланган ва 2007 йилда қайта таҳрирда тасдиқланган Солиқ кодексида⁴ тўлиқ ўз ифодасини топган.

Бироқ, профессор Қ. Яҳёев таъкидлаганларидек, «Юртбошимиз қўйган вазифаларни фақат солиқлар тўғрисидаги қонунлар ва йўриқномалар билангина тушунтириш етарли бўлмайди. Солиқларни чуқур ўрганиш ва тушунтириш, уларни такомиллаштириш йўллари билиб олиш учун кўплаб илмий мақолалар, қўлланмалар ва дарсликлар ёзилиши зарур»⁵.

Мустақиллик йилларида солиқларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти, улар назарияси ва амалиётига доир билимларни берувчи турли фанлар ўқув режаларига киритилди, мос равишда, бу фанлар бўйича дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмалар чоп этилди. Солиқлар ва бошқа

³ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т., 1996.

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон

⁵ Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик.- Тошкент, 2003.

мажбурий тўловларнинг иқтисодий моҳияти, аҳамияти, таснифи, тавсифи ва бошқа жиҳатлари ушбу фанларда уларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб ёритилган. Чунончи, иқтисодий назария фанида⁶ солиқлар махсус иқтисодий категория ҳамда бу категория давлат ҳамда юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуи сифатида эътироф этилган.

Молия фанида⁷ солиқларнинг жамиятда юз бераётган молиявий муносабатларнинг энг муҳим турларидан бири эканлиги, чунончи солиқлар давлат бюджетининг таркибий элементи сифатида атрофлича талқин этилган.

Солиқларга оид махсус фанларда⁸ улар назарияси ва амалиёти янада ҳам кенгрок мазмунда очиб берилган.

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит фанларида⁹ солиқлар ва тўловлар улар предметини ташкил этувчи объектларнинг муҳим тури сифатида ҳисобни юритиш ҳамда аудит текширувларини олиб бориш талабларидан келиб чиқиб ёритилган.

Бизнингча, солиқларнинг муҳим давлат аҳамиятига моликлиги уларнинг ҳисоби ва аудитига оид жиҳатларини ўргатувчи фанларни ҳам янада такомиллаштиришни тақоза этади. Чунончи, ушбу фанлар солиққа тортиш назарияси ва амалиётига доир билимларни янада ҳам кенгайтиришга хизмат қилиши лозим. Жумладан, «Солиқлар аудити» фани унинг предмети

⁶ Қобилов Ш. Р. Иқтисодиёт назарияси : дарслик / Қобилов Ш. Р., Раҳмонова М. С. Тошкент : Академия , 2013 Шодмонов Ш. Иқтисодиёт назарияси : ўқув қўлланма / Шодмонов Ш., Тожибоева М. Тошкент : Молия, 2010

⁷ Маликов Т. Бюджет - солиқ сиёсати / Маликов Т. Тошкент : ОЎМТВ, 2013 Malikov T. S. Moliya: chizmalarda : o`quv qo`llanma / Malikov T. S. , Vahobov D. R. Toshkent : Iqtisod-moliya, 2012; Воҳобов А. В. Молия / Воҳобов А. В. , Маликов Т.С. Тошкент : Шарқ,2011

⁸ Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик.- Тошкент, 2003;Воҳобов А.В.,Жўраев А.С. Солиқлар ва солиққа тортиш.- Т.: Шарқ, 2009; Завалишина И.А. Налоги: теория практика.- Т.: «Мир экономики и права», 2004.

⁹ Курбанов З.Н. Солиқ ҳисоби». Монография.- Т.: «Фан»,2006; Курбанов З.Н. Солиқ аудити». Ўқув қўлланма.- Т.: «Фан ва технология»,2007; Исроилов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: Ўзбекистон, 2006; Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У. Солиқлар ва тўловлар аудитининг хусусиятлари.- Самарканд,2012; Tulaxodjayeva M. M. Audit : O`quv qo`llanma / Tulaxodjayeva M. M., Ilhomov Sh. I. Toshkent : Iqtisodiyot , 2012

мазмунини ташкил этувчи солиқ ва тўловлар аудитининг назарий, ташкилий, методологик ва бошқа жиҳатларини талабалар томонидан чуқур ўрганишларига имкон бериши керак. Айнан, ушбу заруратлардан келиб чиқиб, қуйида солиқлар ва тўловларнинг бевосита аудит фанида ёритилиши лозим бўлган айрим назарий масалаларига, чунончи уларнинг аудит ўтказишда ўта муҳим аҳамиятга молик бўлган таснифий ва тавсифий жиҳатларига тўхталамиз.

Республикамизда қўлланилаётган солиқларнинг барчаси, маълумки, ўзига хос таснифий белгиларга ва тавсифга эга. Чунончи, барча солиқлар бўйича асосий таснифий белгилар сифатида уларнинг умумбелгиланган ёки ихчамлаштирилган солиқ режимларига кириши, қайси бюджетга тўланиши, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий натижаларига таъсир доираси, тегишли бухгалтерия ҳисоби сўётларига олиб борилиши кабилар олинади. Ушбу белгилари бўйича республикамизда ҳозирги пайтда амалда бўлган барча солиқлар ва тўловларнинг таснифи 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида қўлланилаётган солиқ ва тўловларнинг таснифий гуруҳлари

№	Солиқ ва тўловнинг номи	Гуруҳлаш белгилари								
		Умумбелгиланган солиқ	Соддалаштирилган солиқ	Республика бюджетига тўлагандиган	Маҳаллий бюджетга тўлагандиган	бевосита	билвосита	Олинандиган сўётларга киритиладиган	Корхона харажатларини акс эттирувчи сўётларга киритиладиган	Корхона фойдасини ишлатилишини акс эттирувчи сўётларга киритиладиган
1	Юридик шахслардан олинандиган фойда солиғи	+		+		+				+

2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	+		+			+				+
3	Қўшилган қиймат солиғи	+		+			+	+			
4	Акциз солиғи	+		+			+	+			
5	Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар	+		+		+			+		
6	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	+		+		+			+		
7	Мол-мулк солиғи	+			+	+			+		
8	Ер солиғи	+			+	+			+		
9	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлан-тириш солиғи	+			+	+				+	
10	Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ		+	+		+		+			
11	Пенсия фондига ЯИТ	+		+		+			+		
12	Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари	+		+				+			+

13	Пенсия жамғармасыга мажбурий ажратмалар	+		+		+			+		
14	Республика йўл жамғарма- сига мажбурий ажратмалар	+		+		+			+		
15	Республика йўл жамғарма- сига йиғимлар	+		+		+			+		
16	Давлат умуммиллий дастурларини амалга ошириш жамғармалари- га мажбурий ажратмалар	+		+	+				+		
17	Давлат божи	+		+	+				+		
18	Божхона тўловлари	+		+	+				+		
19	Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш хукуки учун йиғим	+		+	+				+		
20	Ягона солиқ тўлови		+	+	+					+	
21	Ягона ер солиғи		+		+	+			+		
22	Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ		+		+	+			+		

Дунё мамлакатлари ва бизнинг республикаимиз амалиётида мавжуд бўлган солиқ турлари ичида қўшилган қиймат солиғи алоҳида ўрин тутди.

Манбаларга кўра¹⁰, ҚҚС илк бор Франция 1958 йилда жорий этилган, ҳозирги кунда ушбу солиқ 135 та мамлакатда ундирилмоқда. Ривожланган мамлакатлардан фақатгина АҚШ ва Австралияда ушбу солиқ шу номда

¹⁰ www. Ziyonet.uz . Солиқ

қўлланилмайди, унинг ўрнига ушбу мамлакатларда, мос равишда, 2 % ва 11 %лик сотишдан солиқ ундирилади.

Солиқ солиш бўйича мутахассисларнинг фикрича, ҚҚСни киритилишининг мақсадга мувофиқлиги негизида учта гуруҳ сабаблар ётади. Булар:

1. Юқори фоизли давлат даромадларини таъминлаши;
2. Холислиги, яъни тadbиркорларга зарар етказмаслиги;
3. Самара бериши.

Аксарият мамлакатларда ҚҚС давлат даромадларининг 12 фоиздан 30 фоизини ёки ялпи миллий маҳсулотнинг тахминан 5-10 фоизини таъминлайди. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҚҚСга асосланган солиқ тизими бюджетга тушумларни доимий барқарор тушини таъминлайди.

ҚҚС ҳам давлатга, ҳам солиқ тўловчиларга афзал солиқ тури ҳисобланади. Чунки, унинг ҳамма учун бир хилда ўрнатилганлиги сабабли, бир томондан, ундан бош тортиб бўлмайди, иккинчи томондан эса, умумбелгиланганлиги учун бу солиқ билан иқтисодий хатоликларларга йўл қўйиш камроқ бўлади.

Шундай қилиб, ҚҚС барча мамлакатларга хос бўлган солиқ тури ҳисобланади. Унинг мазмуни барча мамлакатларда қарийб бир хилда, яъни қўйидагича талқин этилади.

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) – бу товарларни сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида янги ҳосил қилинган қийматга асосланган ҳолда соф даромаднинг бир қисмини бюджет даромадига олиб қўйишнинг бир шаклидир.

ҚҚСнинг барча мамлакатлар учун бир хиллик негизида, авваламбор, қиймат ва қўшимча қийматни яратилиши, мос равишда, янги яратилган қўшимча қийматнинг бир қисмини давлат фойдасига солиқ сифатида олиниши ётади. Шунингдек ҚҚСнинг бир хиллиги унинг тўлов манбаи, яъни объекти, солиққа тортиладиган базаси каби жиҳатларида ҳам намоён бўлади.

Дунё мамлакатларида бир хилда талқин этиладиган ҚҚС фақатгина давлатлар томонидан белгиланган ставкалар, имтиёзлар, тўлов муддатлари, ҳисобот шакллари бўйича бир-биридан фарқланади. Чунончи, ушбу солиқ ставкаси Японияда 5 %, Таиландда 7%, Қозоқистонда 13 %, Англияда 17,6 %, Россия ва Туркияда 18 %, Германия ва Грецияда 19 %, Францияда 19,6 %, Италия ва Украинада 20 %, Португалияда 21 %, Польшада 22%, Швецарияда 25 % ни ташкил этади¹¹.

Барча МДХ мамлакатларида, шу жумладан бизнинг республикада ҚҚС солиғи 1992 йилдан буён ундирилади. Ушбу солиқнинг республикада бюджетни даромадларини шакллантиришдаги ўрни бекиёсдир. Буни 2-жадвалда келтирилган маълумотлардан ҳам кўриш мумкин.

2-жадвал

**2013-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети
ижроси**

Кўрсаткичлар		2013 й	2014 й	2015 й.	2016 й.
I. Даромадлар (мақсадли фондларсиз) – жами		26223,0	31730,50	36492,7	41043,4
1. Бевосита солиқлар		6353,7	7433,00	8798,5	9852,8
1.1	Юридик шахслардан фойда солиғи	1038,8	1120,20	1180,5	1 215,1
1.2	Савдо ва умумий оқатланиш корхоналари томонидан давлат бюджетига ЯСТ	832,6	954,4	1207,8	1 515,3
1.3	Бошқа корхоналар (микрофирма ва кичик корхоналарни қўшган ҳолда) томонидан давлат бюджетига ЯСТ	755,0	967,9	1191,7	1 440,8
1.4	ЖШДС	2717,3	3261,70	3800,7	4 137,4
1.5	Қатъий белгиланган солиқ	415,6	553,1	681,5	822,3
1.6	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи	594,4	575,7	736,2	721,9
2. Билвосита солиқлар		13398,6	16852,30	19193,8	21130,7
2.1	Қўшилган қиймат солиғи	7552,5	9476,10	10850,9	11 891,6
2.2	Акциз солиғи	4168,3	4941,10	5618,5	6 258,2
2.3	Божхона божи	1007,4	1350,00	1481,5	1 449,5
2.4	Транспорт воситалари учун жисмоний шахслардан бензин , дизель ёқилғиси ва газ истемоли слиғи	670,5	1085,10	1242,9	1 531,3
3. Ресурслар учун тўловлар ва мол-мулк		3888,2	4311,50	4816,1	5306,2

¹¹ www. Ziyonet.uz . Солиқ

солиғи					
3.1	Мол-мулк солиғи	1011,6	1273,70	1393,1	1 659,2
3.2	Ер солиғи	583,4	647,5	750,1	966,7
3.3	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	2190,9	2275,60	2514,5	2 517,7
3.4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	102,4	114,7	158,4	162,6
4.	Бошқа даромадлар	2582,5	3133,70	3684,4	4753,7

Манба: <https://www.mf.uz/home/devatelnost/gosudarstvennyi-byudzheth.html>

ҚҚСнинг республикамиз бюджети даромадларидаги улуши юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, 2013 йилда -28,80 %ни (7552,5/26223), 2014 йилда -29,86 %ни (9476,1/31730,5), 2015 йилда – 29,73 фоизни (10850,9/36492,7), 2016 йилда эса – 28,97 фоизни (11891,6/41043,4) ташкил этган.

ҚҚСнинг барча солиқлар бўйича юқорида келтирилган белгилар бўйича тавсифи 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

ҚҚСнинг таснифий белгилари ва тавсифи¹²

№	Таснифий белги	Таснифий белгиси бўйича тавсифи
1	Солиқ режими гуруҳига кўра	Умумбелгиланган солиқ ҳисобланади
2	Қайси бюджетга тўланишига кўра	Республика бюджетига тўланади
3	Бевосита ва билвоситалигига кўра	Эгри (билвосита) солиқ ҳисобланади, чунки у корхоналарнинг молиявий натижаларига таъсир кўрсатмайди
4	Бухгалтерия ҳисоби счётларида акс этирилишига кўра	Солиқнинг ҳисобланганлиги бевосита пул маблағлари ёки харидорлардан олинadиган счётлар (дебиторлик қарзлар) счётида акс этирилади.

ҚҚС тўлов манбаи деганда, одатда, ушбу солиқ ундириладиган хўжалик фактлари тушунилади. Айнан хўжалик фактлари ҚҚСнинг объектлари бўлиб ҳисобланади. Республикамизнинг Солиқ кодексига мувофиқ (модда) ҚҚС учун манба (объект) бўлиб қуйидагилар фактлар ҳисобланади (1-расмга қаранг).

¹² Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ муаллиф ишланмаси



1-расм. ҚҚС манбаи (объекти) ҳисобланадиган фактлар¹³

¹³ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ муаллиф ишланмаси


Шу билан бирга корхоналар амалиётида учрайдиган қуйидаги хўжалик фактлари республикамиз Солиқ кодексига мувофиқ ҚҚС учун манба (объект) бўлиб ҳисобланмайди (2-расмга қаранг).



2-расм. ҚҚС манбаи (объекти) ҳисобланмайдиган хўжалик фактлари¹⁴

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ муаллиф ишланмаси

ҚҚСга оид оборот, имтиёзлар, солиққа тортиладиган база, ставка, солиқни ҳисобланиши ва бюджетга ўтказиб берилиши, улар бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳолати турли кўрсаткичларда ягона пул бирлигида ва бошқа ўлчов birlikларида ифодаланади. Бу кўрсаткичларни қуйидаги 2 та гуруҳларга ажратиш мумкин (3-расмга қаранг).



3-расм. ҚҚСни турли жиҳатларини ўзида ифода этувчи кўрсаткичлар тизими¹⁵

3-расмда келтирилган кўрсаткичларнинг ҳар бири ўз мазмун ва моҳиятига, яъни тавсифига, шунингдек аниқ ҳисоб-китоб тартибига эга. Улар республикаимиз Солиқ кодексида атрофлича очиб берилган. ҚҚСга

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида мувофиқ муаллиф ишланмаси

доир ушбу кўрсаткичларнинг тавсифи, уларни аниқлаш алгоритмлари (тартиблари) қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

ҚҚСга доир кўрсаткичлар тавсифи ва уларни аниқлаш алгоритмлари

№	Кўрсаткич номи	Кўрсаткичнинг тавсифи	Кўрсаткични аниқлаш алгоритми
1	Солиққа тортиладиган оборот (СТО)	бу товар (иш, хизмат)ларни реализация қилиш обороти	$СТО = СО^1 + СО^2 + \dots СО^n$ Бу ерда: $СО^1, СО^2, СО^n$ - солиққа тортиладиган алоҳида оборот турлари
2	Солиқ имтиёзлари (СИ)	бу солиқ тўловчининг товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишда солиқ солинмайдиган оборотидир	$СИ = И^1 + И^2 + \dots И^n$ Бу ерда: $И^1, И^2, И^n$ - солиқ имтиёзи берилган алоҳида оборот турлари
3	Солиққа тортиладиган база (СТБ)	бу солиқ тўловчининг товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишда солиқ солинадиган оборотидир	$СТБ = СТО - СИ$
4	Солиқ ставкаси (Сст)	Бу солиқ тўловчининг товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишда солиқ солинадиган оборотга нисбатан белгиланган солиқ ставкаси	$Сст = 20 \% \text{ ёки } 0 \%$
5	ҚҚС бўйича ҳисобот даври боши ва охирига дебиторлик қарз (ДҚ)	бу солиқ тўловчининг бюджетга ҚҚСнинг ҳисоб-китобдаги суммасидан ҳисобот даври боши ва охирида ортиқча тўлаб қўйган суммаси	$ДҚ = БС_{дк} + ДО - КО$ Бу ерда: БС_{дк} – солиқ бўйича давр бошидаги дебиторлик қарз; ДО – ҳисобот даврида 6410 «ҚҚС» счётининг дебет оборот суммаси; КО - ҳисобот даврида 6410 «ҚҚС» счётининг кредит оборот суммаси.
6	ҚҚС бўйича ҳисобот даври боши ва охирига кредиторлик қарз (КҚ)	бу солиқ тўловчининг бюджетга ҚҚС бўйича ҳисобот даври боши ва охиридаги қарз (мажбурият) суммаси	$КҚ = БС_{кк} - ДҚ + КО$ Бу ерда: БС_{кк} – солиқ бўйича давр бошидаги кредиторлик қарз; ДО – ҳисобот даврида 6410 «ҚҚС» счётининг дебет оборот суммаси; КО - ҳисобот даврида 6410 «ҚҚС» счётининг кредит

			оборот суммаси.
7	Ҳисобот даврида ҳисобланган ҚҚС суммаси (ҚҚСх)	бу ҚҚС ҳисоб-китоби бўйича солиққа тортиладиган базага нисбатан белгиланган ставкада ҳисобот даври учун ҳисобланган солиқ суммаси	$ҚҚСх = СТ_{ят} * С_{ст} / 120\%$ ёки $ҚҚСх = СТ_{ст} * С_{ст} / 100\%$ Бу ерда: $СТ_{ят}$ – солиқ тортиладиган ялпи тушум; $СТ_{ст}$ – солиқ тортиладиган соф тушум;
8	Ҳисобот даврида камайтиришга олиб борилган ҚҚС суммаси (ҚҚСк)	бу ҚҚС ҳисоб-китоби бўйича солиққа тортиладиган базага нисбатан белгиланган ставкада ҳисобот даври учун тўлов пайтида камайтиришга ҳисобланган солиқ суммаси	$ҚҚСк = T^1 + T^2 + \dots T^n$ Бу ерда: T^1, T^2, T^n - таъминотчи ва пудратчиларга тўланган ҚҚС суммаси
9	Ҳисобот даври учун бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси (ҚҚСт)	бу ҚҚС ҳисоб-китоби бўйича ҳисобот даври учун бюджетга тўлаш учун ҳисобланган солиқ суммаси	$ҚҚСт = ҚҚСх - ҚҚСк$
10	Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қолдирилган ҚҚС суммаси (ҚҚСи)	бу ҚҚС ҳисоб-китоби бўйича ҳисобот даври учун бюджетга тўлаш учун ҳисобланган солиқ суммасининг корхонада мақсадли ишлатиш учун қолдирилган қисми	$ҚҚСи = ҚҚСх - ҚҚСк - ҚҚСт$
11	ҚҚС бўйича ҳисобот даврида ҳисобланган ва тўланган жарима суммаси (ҚҚСж)	бу ҳисобот даврлари бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини кам ҳисобланган суммасига нисбатан солиқ қонунчилиги ҳужжатлари асосида ҳисобланган молиявий санкция суммаси	$ҚҚСж = ҚҚСтч * Жс / 100\%$ Бу ерда: $ҚҚСтч$ – бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасидаги четланиш; $Жс$ – жарима ставкаси.
12	ҚҚС бўйича ҳисобот даврида ҳисобланган ва тўланган пеня суммаси (ҚҚСП)	бу ҳисобот даврлари бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини кам тўланган суммасига нисбатан солиқ қонунчилиги ҳужжатлари асосида ҳисобланган молиявий санкция суммаси	$ҚҚСП = ҚҚ * Пс * К$ Бу ерда: $Пс$ – пеня ставкаси; $К$ - бюджетга тўлаш кечиктирилган кунлар сони

Шундай қилиб, ҚҚСга доир юқорида келтирилган барча кўрсаткичларнинг ҳар бири ўз ўрни ва аҳамияти эга. Улар бир-бири билан

узвий боғлиқ кўрсаткичлар ҳисобланади. Бу кўрсаткичларнинг бирида кўйилган хатолик унинг иккинчисида ҳам хатоликка олиб келади. Шу боис ҳам, ҚҚСга оид барча кўрсаткичлар аудитнинг ўта муҳим объектлари бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, кўрсаткичларнинг бир-бирига боғлиқлиги аудитда уларни комплекс тарзда кўрсаткичларни шаклланиш кетма-кетлигида текшириш заруратини туғдиради. Мазкур талабларга амал қилинган ҳолда аудиторлик текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибларига ишимизнинг кейинги қисмларида алоҳида тўхталамиз.

1.2.Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларининг ҚҚС тўловчилари сифатидаги хусусиятлари

Республикамызда Президентимиз Ш.М. Мирзиёвнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 4947-сон фармони билан тасдиқланган «2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» да яқин 5 йилда бешта асосий йўналиш бўйича республикамыз равнақини таъминлаш йўлида ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим устувор вазифалар белгиланди. Ушбу устувор вазифалар иқтисодиётимизнинг барча тармоқ ва соҳаларига, чунончи хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига ҳам дахлдордир.

Маълумки, хизмат кўрсатиш ва сервис республикамызда тадбиркорликнинг муҳим аҳамиятга молик соҳаларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳа субъектлари орқали кўрсатилаётган хизматларнинг республикамызда яратилаётган ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси йилдан йилга ошиб бормоқда. Чунончи, 2006 йилда ушбу кўрсаткич 39,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб у 50,5 фоизга етди¹⁶. 2015 йил якунига

¹⁶ 2012 йил – Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2011 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. – «Халқ сўзи», 2012 йил 21 январь. .

келиб хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг республикамизда яратилаётган ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилдаги 49 фоиздан 54,5 фоизгача кўтарилди¹⁷.

Ўтган 2016 йилга мўлжалланган давлат дастурида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг республикамизда яратилаётган ялпи ички маҳсулотдаги улушини 56 фоизга етказиш назарда тутилган¹⁸.

Таъкидлаш жоизки, ўтган 25 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини барқарор ривожлантириш Президентимиз ва ва Ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлди ва бўлиб келмоқда. Республикамизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ҳамда махсус давлат дастурларини¹⁹ қабул қилинганлиги, уларни ҳаётга изчил жорий этилаётганлигини бунинг ёрқин гувоҳидир.

Ушбу давлат дастурларини изчил ҳаётга тадбиқи натижаси ўлароқ республикамизда 2006-2015 йилларда хизматлар соҳасининг иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларига нисбатан илгариларча ўсиш суръати кузатилган (5-жадвалга қаранг). Бу даврда ишлаб чиқариш хизматлари ҳажми саноат ва қишлоқ хўжалигидаги ўсишдан сезиларлиқча илгарилаб, 3 баробарга ошди. Хусусан, 2015 йил якунлари бўйича саноат ишлаб чиқариши 108 фоиз ва қишлоқ хўжалиги – қарийб 107 фоизни ташкил этди. Ушбу соҳанинг тузилмаси ва сифат ўлчамлари савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, тураржой-коммунал хизматлар ва маиший хизмат сингари тармоқларнинг устунлиги билан тавсифланади.

¹⁷ Бош мақсадимиз –мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб борилаётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. – «Халқ сўзи», 2016 йил 16 январь.

¹⁸ Шу ерда

¹⁹ Ўзбекистон республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелда ги ПҚ-325 сон қарори;2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 10 майдаги ПҚ- 1754-сон қарори билан тасдиқланган.

**Хизматлар соҳасининг тармоқлар кесимида ўсиш (ривожланиш)
динамикаси***

Ҳоизларда ўтган йилга нисбатан

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Савдо ва умумий овқатланиш	121,8	120,9	118,6	116,1	116,6	117,0	118,1
Транспорт ва логистика хизматлари	110,4	113,0	104,1	112,4	105,8	114,8	112,2
Алоқа ва ахборотлаштириш (мобиль телефон алоқаси хизматлари, Интернет, телевизион кабель алоқаси, почта ва электр алоқаси хизматлари билан бирга)	121,6	128,7	139,9	124,5	121,9	126,5	115,4
Молия (банк ва суғурта хизматлари ҳамда молия лизингини киритган ҳолда)	124,7	119,4	118,6	117,6	129,4	132,1	130,0
Туризм ва меҳмонхона хизматлари	121,4	110,9	113,2	117,6	116,1	117,5	115,9
Таълим	-	95,1	102,0	107,4	107,5	108,2	108,9
Соғлиқни сақлаш	-	131,2	127,2	134,1	127,2	119,9	117,3
Бошқа хизматлар	128,6	110,1	113,3	109,6	111,3	110,3	113,0

***Манба:** Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Бош мақсадимиз – иқтисодийётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир» номли маърузасини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола.: Тошкент «Маънавият», 2016, 139-б.

5-жадвалдан кўриниб турибдики, 2015 йилда республикада транспорт хизматлари (112,1 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш хизматлари (118,1 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (115,4 фоиз), молия хизматлари (130,0 фоиз), туристик ва меҳмонхона хизматлари (115,9 фоиз) нисбатан юқори суръатда ривожланди.

Хизматлар соҳасининг янги инновацион тармоқлари ЯИМ таркибидаги (ЯИМнинг ўртача 2-3 фоизи) бирмунча кичик улушга қарамай, илгариловчи ўсиш йўналишига эга. Масалан, мобиль телефон алоқаси хизматлари, Интернет тармоғи, телевизион кабель алоқаси, почта ва электр алоқаси хизматлари сўнгги 5 йилда таркибий ўзгаришлар ҳисобига бир неча баробарга ўсиб бормоқда.

Бозор хизматларининг умумий таркибида анъанавий транспорт хизматлари улуши (2009 йилдаги 110,4 фоиздан 2015 йилда 112,2 фоизга) ўсган. Шу билан бирга, алоқа ва ахборотлаштириш (2009 йилдаги 121,6 фоиздан 2015 йилда 115,4 фоизга) камайган ва молия хизматлари улуши (2009 йилдаги 124,7 фоиздан 2015 йилда 130,0 фоизга) ошган.

2015 йилда хизматлар соҳасининг ўртача ўсиш суръати 116,6 фоизни ташкил этган²⁰.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналари тадбиркорлик субъектлари сифатида ўзига хос солиқ тўловчилар бўлиб ҳисобланади. Ушбу хусусиятлар, чунончи хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларининг республикамизнинг солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ умумдават ва ихчамлаштирилган солиқ режимларида фаолият юритишида, улар томонидан тўланадиган солиқ турларида, солиққа тортиладиган оборот, солиқ базаси, солиқ ставкаси, солиқни ҳисоблаш даври, солиқни тўлаш вақти ва бошқа тартибларда, шунингдек бу соҳа субъектларига солиқ ва тўловлар бўйича кўплаб имтиёзлар ва преференцияларни берилганлигида ёрқин намоён бўлади. Айнан ушбу хусусиятлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларларида солиқ тўловларини ҳисоб-китоб қилиш ва ҳисобини юритишга, мос равишда, улар аудитини ўтказишга ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларининг солиқ тўловчилари сифатидаги ўзига хос хусусиятлари бевосита улар томонидан тўланадиган ҚҚСда ҳам мавжуд. Чунончи, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектлари томонидан кўрсатилаётган қуйидаги хизмат турлари республикамизнинг солиқ кодексига мувофиқ ҚҚСдан тўлиқ озод этилган (6-жадвалга қаранг).

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир» номли маърузасини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола.: Тошкент «Маънавият», 2016, 139-б.

ҚҚСдан озод этилган хизмат турлари

<i>Имтиёз объекти</i>	<i>Асос</i>
Юридик ва жисмоний шахсларга муайян ҳуқуқлар берилганда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган, давлат божи, патент божи, йиғим ёки бошқа тўловлар ундириладиган хизматлар	СК 208-моддаси 1-банди
Мактабгача таълим муассасаларида болаларни тарбиялашга доир хизматлар	СК 208-моддаси 2-банди
Беморлар ва кексаларни парвариш қилишга доир хизматлар	СК 208-моддаси 3-банди
Дафн этиш бюрolari ва қабристонларнинг маросим хизматлари, диний ашёларни реализация қилиш, диний ташкилотлар ҳамда бирлашмаларнинг удумлар ва маросимлар ўтказишга доир хизматлари	СК 208-моддаси 4-банди
Протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун мўлжалланган инвентарлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган буюмлар ва инвентарлар, шунингдек ногиронларга кўрсатилаётган ортопедик протезлаш хизматлари, протез-ортопедия буюмлари ва ногиронлар учун мўлжалланган инвентарларни таъмирлаш ҳамда улардан фойдаланишга доир ишлар бўйича хизматлар	СК 208-моддаси 5-банди
Даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналарининг мазкур муассасалар томонидан реализация қилинадиган маҳсулотлари	СК 208-моддаси 6-банди
Почта маркалари (коллекция қилинадиганларидан ташқари), маркали откриткалар, конвертлар	СК 208-моддаси 7-банди
Алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафақалар тўлаш бўйича хизматлари	СК 208-моддаси 8-банди
Бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари, тегишли молия органининг бюджетдан маблағ ажратиш тўғрисида тегишли хулосаси бўлганда	СК 208-моддаси 9-банди
Шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шунингдек темир йўл ва умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташиш хизматлари	СК 208-моддаси 10-банди
Олий, ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларида, шунингдек кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотларда таълим беришнинг ҳақ эвазига ўқитишга доир қисми бўйича хизматлар	СК 208-моддаси 11-банди
Тиббий (ветеринария) хизматлари (косметология хизматлари бундан мустасно), дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган шундай	СК 208-моддаси 13-банди

воситалар ва буюмлар	
Чет эл ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш юзасидан бевосита Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ва ҳаво бўшлиғида амалга ошириладиган хизматлар, шу жумладан аэронавигация хизмати	СК 208-моддаси 14-банди
Санаторий-курорт, соғломлаштириш, туристик-экскурсия хизматлари, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг хизматлари	СК 208-моддаси 15-банди
Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг, унинг таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг асосий фаолиятига доир маҳсулот ва хизматлар	СК 208-моддаси 20-банди
Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар ташкил этувчи юридик шахслар томонидан реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар), бундан воситачилик, савдо, тайёрлов, таъминот-сотиш фаолиятини амалга ошириш бўйича реализация қилиш оборотлари мустасно	СК 208-моддаси 22-банди
Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) ҳисобига юридик шахслар оладиган, шунингдек грантлар ҳисобига олинган товарлар (ишлар, хизматлар)	СК 208-моддаси 23-банди
Уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар	СК 208-моддаси 24-банди
Ваколатли давлат органининг ихтисослашган эксперт бўлинмалари ўтказадиган экологик экспертиза хизматлари	СК 208 моддаси 26-банди
Давлат тилини ва давлат тилида иш юритишни ўргатиш хизматлари	СК 208-моддаси 27-банди
Ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлов бўлинмалари хизматлари	СК 208 моддаси 29-банди
Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор қидирув тадбирлари тизимининг техника воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар	СК 208-моддаси 33-банди
Давлат мулкини ижарага бериш бўйича хизматлар	СК 208-моддаси 35-банди
Оммавий ахборот воситаларини ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари	СК 208-моддаси 36-банди
СКнинг 209-моддасида кўрсатилган молиявий хизматлар ҚҚСдан озод этиладиган молиявий хизматларга тааллуқли операцияларнинг тўлиқ рўйхати МВ, МБ бошқаруви ва ДСКнинг АВ томонидан 29.05.2013 йилдаги 2460-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарорига иловада келтирилган	СКнинг 209-моддаси
СКнинг 210-моддасида кўрсатилган суғурта қилиш хизматлари	СКнинг 210-моддаси

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларининг ҚҚС тўловчилари сифатидаги яна бир хусусияти айрим хизмат ва сотиш турларини 0 ставкада солиққа тортилишидандир. Бундай хизматлар ва сотиш турлари сирасига, Республикамиз Солиқ кодексининг 212-217-моддаларига мувофиқ куйидагилар киради (7-жадвалга қаранг).

7-жадвал

**Ноль даражали ққс ставкасида солиққа тортиладиган
хизмат турлари**

<i>ҚҚС тўлашдан озод этилган субъектлар, шунингдек хўжалик операциялари</i>	<i>Имтиёз объекти</i>	<i>Бериладиган имтиёз муддати</i>	<i>Асос</i>
Товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш	Товарларни чет эл валютасида, шу жумладан воситачиларни жалб қилган ҳолда, экспортга реализация қилиш (қимматбаҳо металлар бундан мустасно)		СКнинг 212- моддаси
	Чет эл тарафи бир-бирига ишонч принципига амал қилган тақдирда, чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун, шунингдек бу ваколатхоналар дипломатик ва маъмурий-техник ходимларининг, шу жумладан улар билан бирга яшаётган оила аъзоларининг, агар улар ЎзР фуқароси бўлмасалар ҳамда ЎзРда доимий яшаётган бўлмасалар, шахсий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товарлар, ишларга, хизматлар		СКнинг 214- моддаси
	ЎзР ТИВнинг Дипломатик сервис хизмати томонидан кейинчалик чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга реализация қилиш учун олинаётган товарлар, ишлар, хизматлар		
Ишлар, хизматларни реализация қилиш	Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ "божхона		СКнинг 215-

	худудида қайта ишлаш" божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишлар, хизматлар (агар қайта ишлаш маҳсулотлари ЎзРнинг божхона худудидан ташқарига олиб чиқиладиган бўлса)		моддаси
	Халқаро йўналишда ташишлар бўйича кўрсатиладиган қуйидаги хизматларни реализация қилиш обороти: транзит юкларни ЎзР худуди бўйлаб ташиш; йўловчилар, багажлар, юклар ва почтани халқаро йўналишда ташиш		СКнинг 216-моддаси
	Сув таъминоти, канализация, санитария-тозалаш, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматлар, шу жумладан ХУМШ аҳоли номидан, шунингдек Мудофаа вазирлиги бўлинмалари идоравий уй-жой фонди уйларида яшайдиган аҳоли учун сотиб оладиган ана шундай хизматлар		СКнинг 217-моддаси
Юридик шахслар - ЎзР резидентлари	Инвесторларга ва (ёки) маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажаришда иштирок этаётган операторларга бериладиган товарлар, ишлар, хизматлар		СК 256-моддаси учинчи қисмининг 4-банди

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кирувчи айрим субъектларнинг алоҳида фаолият турларига Республикамиз Президентининг фармон ва қарорлари билан ҳам ҚҚС бўйича имтиёзлар берилган. Ушбу имтиёзларнинг Президентнинг қайси фармон ва қарори асосида берилганлиги, уларни қайси тармоқ, корхоналар ва фаолият турларига, нима мақсадларда берилганлиги, муддатлари тўғрисидаги маълумотлар 8-жадвалда келтирилган.

**Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кирувчи айрим субъектларнинг алоҳида фаолият турларига
республикамиз Президентининг фармони билан ҚҚС бўйича берилган
имтиёзлар**

<i>ҚҚС тўлашдан озод этилган субъектлар, шунингдек хўжалик операциялари</i>	<i>Имтиёз объекти</i>	<i>Имтиёз тури</i>	<i>Бериладиган имтиёз муддати</i>	<i>Асос</i>
Аҳолига пулли хизматлар кўрсатадиган тиббиёт муассасалари (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно)	Аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно)	Бўшайдиган маблағлар-ни тиббиёт муассасаси-ни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳоз-лашга мақсадли йўнал-тириш шарти билан ҚҚС тўлашдан озод этилади	1.10.2007 йилдан 1.01.2018 йилга қадар	Президентнинг 19.09.2007 йилдаги ПФ-3923-сон Фармонининг 7-банди
Ишлар, хизматларни реализация қилиш	Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобига суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича пудрат ва бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ишлар ва хизматлар	Солиқ тўлашдан озод этилади	2008-2017 йиллар	Президентнинг 29.10.2007 йилдаги ПФ-3932-сон Фармонининг 7-банди; Президентнинг 19.04.2013 йилдаги ПФ-4533-сон Фармони
Бутловчи буюмлар, материаллар ва технологик жиҳозлар ишлаб чиқарувчи корхоналар	"Женерал Моторс Ўзбекистон" ЁАЖ томонидан ишлаб чиқариладиган автомобиллар учун сотиладиган маҳсулотлар	Солиқ тўлашдан озод этилади	5 йил. "Женерал Моторс Ўзбекистон"	Президентнинг 21.02.2008 йилдаги ПҚ-800-сон қарорининг

			ЁАЖ Президентнинг ПҚ-800-сон қарорининг 2- иловасига мувофиқ жадвал бўйича янги моделдаги автомобиллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган пайтдан бошлаб, имтиёз унинг амал қилиш муддати 31.12.2017 йилда тугаши билан яна 5 йилга узайтирилади	8-банди
"Женерал Моторс Ўзбекистон" ЁАЖ расмий дилерлари	Расмий дилерларнинг автомобилларни таъмирлаш ва уларга сервис хизматлари кўрсатиш хизматлари, шу жумладан ушбу хизматларни кўрсатиш вақтида ўрнатиладиган эҳтиёт қисмлар, узеллар, агрегатлар ва материалларнинг нархлари, шунингдек эҳтиёт	Солиқ тўлашдан озод этилади	1.01.2009 йилдан	Президентнинг 21.02.2008 йилдаги ПҚ-800- сон қарорининг 8-банди

	қисмлар, узеллар, агрегатлар ва материалларни уларнинг савдо тармоқлари орқали сотиш			
Товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш	ХХР Эксимбанки маблағлари ҳисобидан "Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва сув йўлидаги аҳоли пунктларини сув билан таъминлашни тубдан яхшилаш" лойиҳаси доирасида харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)	Солиқ тўлашдан озод этилади	Лойиҳа амалга ошириладиган даврда	Президентнинг 2.05.2008 йилдаги ПҚ-855-сон қарорининг 7-банди
Бутловчи буюмлар, материаллар ва технологик жиҳозлар ишлаб чиқарувчи корхоналар	"Женерал Моторс Пауэртрейн - Ўзбекистон" ЁАЖ куч агрегатларини ишлаб чиқариш учун сотилаётган маҳсулот	Солиқ тўлашдан озод этилади	Қурилиш даврига, шунингдек куч агрегатларини серияли ишлаб чиқариш бошланган санадан кейин 10 йил муддатга	Президентнинг 16.12.2008 йилдаги ПҚ-1020-сон қарорининг 3-банди

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларининг ҚҚС тўловчиси сифатидаги ўзига хос индивидуал хусусиятлари, юқоридаги жадваллардан кўриниб турганидек, солиққа тортиладиган объектларда, солиқ базасида ҳам ёрқин намоён бўлади.

Шу билан бирга хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектлари ҚҚС тўловчилари сифатида бошқа тўловчилар сингари умумий хусусиятларга ҳам эга. Уларнинг ҚҚС тўловчилари сифатидаги умумийлиги, чунончи, қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, барча ҚҚС тўловчи хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектлари, уларнинг тармоғидан, шунингдек корхоналарнинг йириклиги ёки кичик бизнес субъектлари сафига киришидан қатъий назар, умумдават солиқларини тўловчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Иккинчидан, ихчамлаштирилган (соддалаштирилган) солиқ режимида ишловчи хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектлари ихтиёрий тарзда ягона солиқ тўлови миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда ҚҚС тўлаш ҳуқуқига эга.

Учинчидан, солиққа тортиладиган манбаларнинг бошқа тармоқлардаги сингари хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида ҳам умумийлигида, мисол учун товар (иш, хизмат)ларни сотиш, мулкни бепул бериш ва ижарага бериш, уни таъсис бадали сифатида киритиш, гаровга қўйилган мулкни сотиш кабиларда.

Тўртинчидан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектлари ҳам солиққа тортиладиган базани белгилашда қуйидаги умумий тартибларга амал қилишлари лозим:

*товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) паст нархларда реализация қилинган тақдирда, солиқ тўловчига ўз эҳтиёжлари учун Солиқ кодекси 199-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига мувофиқ товарлар берилганда (ишлар бажарилганда, хизматлар

кўрсатилганда), шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) бепул берилганда солиқ солиш мақсадлари учун солиқ солинадиган база товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) келиб чиқиб белгиланиши;

*товарлар қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан тайёрланган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда уларни қайта ишлаш хизматларининг қиймати асосида белгиланиши;

*қурилиш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ишлар, хизматлар бўйича, шунингдек объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда шартномавий нархлардан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳақ тўлаш учун тақдим этилган, бажарилган ва буюртмачи томонидан тасдиқланган ишларнинг, хизматларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган база ҳисобланиш; агар шартномага биноан бу ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати солиқ солинадиган база ҳисобланиши;

*импорт қилинган товарлар реализация қилинганда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши, унда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмаслиги;

*асосий воситалар ва номоддий активлар реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база уларнинг реализация қилиш нархи билан қолдиқ қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланиши;

*мол-мулк молиявий ижарага, шу жумладан лизингга берилганда, солиқ солинадиган база чиқиб кетаётган актив қиймати билан унинг баланс (қолдиқ) қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланиши, солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқарилган товарлар молиявий ижарага (лизингга) берилганда эса, чиқиб кетаётган активнинг қиймати солиқ солинадиган база ҳисобланиши, бунда чиқиб кетаётган активнинг қиймати бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланиши, молиявий ижара ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив сифатида эътироф этиладиган сумма тарзида белгиланиши;

*қурилиши тугалланмаган объект реализация қилинган тақдирда солиқ солинадиган база қурилиши тугалланмаган объектни реализация қилиш нархи билан баланс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланиши;

*кредит ташкилоти томонидан гаров билан таъминланган мажбуриятни қоплаш ҳисобига олинган мол-мулк реализация қилинган тақдирда солиқ солинадиган база реализация қилиш нархи билан қарзни қоплаш ҳисобига мазкур гаров мол-мулки олинган қарз суммаси ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланиши;

*баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганда, солиқ солинадиган база белгиланган баҳолардан (тарифлардан) келиб чиққан ҳолда аниқланиши;

*реализация қилишда солиқ солинмайдиган оборотлар ҳисобланувчи чипталар, абонементлар, йўлланмалар (жойсиз даволаниш учун берилган ҳужжатлар) ва хизматлар олишга ҳуқуқ берувчи бошқа ҳужжатлар мазкур хизматларни кўрсатмайдиган юридик шахслар томонидан ўз ходимлари ва

уларнинг оила аъзолари учун реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база реализация қилиш баҳоси ва уларни олиш баҳоси ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланиши.

Бешинчидан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектлари камайтиришга олиб бориладиган ҚҚСни ҳисоб-китоб қилишда ҳам қуйидаги умумий тартибларга амал қилишлари лозим:

1) товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи қўшилган қиймат солиғи тўловчи бўлса;

2) товарлардан (ишлардан, хизматлардан) солиқ солинадиган оборотлар, шу жумладан ноль даражали ставка қўлланиладиган оборотлар мақсадида фойдаланилса;

3) олинган товарларга (ишларга, хизматларга) етказиб берувчи томонидан ёзилган ҳисобварақ-фактура ёки ҚҚС алоҳида ажратиб кўрсатилган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса;

4) товарлар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғи бюджетга тўланган бўлса (агар импорт қилинган товарлар бўйича солиқни бюджетга тўлашдан озод этиш тарзида бўшаган маблағларни аниқ мақсадларга йўналтириш шарти билан имтиёз берилган бўлса ҳам қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинади);

5) норезидентлар томонидан бажарилган иш ва хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи бюджетга тўланган бўлса;

6) ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарлар экспортида чет эллик сотиб олувчи (тўловчи) томонидан экспорт қилинаётган товарлар учун ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатидан кўчирма мавжуд бўлса.

Олтинчидан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектлари ҚҚСни ҳисоб-китоб қилишда қуйидаги операциялар бўйича тўланган ҚҚСни камайтиришга олиб бормаслик тартибларига ҳам амал қилишлари керак:

1) олинаётган асосий воситалар, номоддий активлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича, шунингдек молиявий ижарага, шу жумладан лизингга бериш учун олинаётган мол-мулк бўйича;

2) қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган юридик шахслар томонидан, шунингдек Солиқ кодексига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқарувчи юридик шахслар томонидан фойдаланиш учун олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича;

3) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайдиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича;

4) текинга олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича.

5) чегириб ташланмайдиган харажатларни амалга ошириш мақсадида олинган мол-мулк бўйича.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида бошқа субъектлардаги сингари илгари ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғи қуйидаги ҳолларда ҳисобга олишдан чиқариб ташланиши керак:

*Солиқ кодексига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш учун юридик шахслар томонидан фойдаланилаётган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича;

*қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли орган томонидан тасдиқланган нормалардан, бундай нормалар мавжуд бўлмаганда эса солиқ тўловчи томонидан тасдиқланган нормалардан ортиқча моддий ресурслар бўйича йўқотишлар ва бузилишлар.

*иссиқ сув таъминоти (ҳисобга олиш асбоблари мавжуд бўлмаган тақдирда) ва марказий иситиш учун тасдиқланган истеъмол нормаларидан ортиқ миқдорда аҳолига етказиб бериладиган иссиқлик энергияси бўйича.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчи хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектлари солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибига (қўшилган қиймат солиғи тўламайдиганлар тоифасига) ўтганда илгари ҳисобга олинган

товар-моддий захиралар қолдиқлари, шунингдек тайёр маҳсулот қолдиқлари бўйича ҳисобга олишга киритилган қўшилган қиймат солиғи суммасига тузатиш киритилади. Қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича имтиёз берилганлиги муносабати билан солиқ солинмайдиган оборотлар юзага келган солиқ тўловчиларга ҳам тузатиш киритишнинг шунга ўхшаш тартиби татбиқ этилади.

Солиқ Кодекси 205-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳолларда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати ўзгарганда сотиб олувчи илгари ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғи суммасига тегишли тарзда тузатиш киритади.

Ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммасига тузатиш киритиш ушбу СК 205-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган ҳоллар юзага келган солиқ даврида амалга оширилади.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборот мавжуд бўлганда солиқ солинадиган оборотга, шу жумладан ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборотга, шунингдек юридик шахснинг ўз эҳтиёжлари учун (харажатлар сифатида қараладиган) оборотга тўғри келадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобга олинадиган сумма қўшилган қиймат солиғи тўловчининг танловига биноан алоҳида-алоҳида ва (ёки) мутаносиб усулда аниқланади.

Ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммасини аниқлашнинг танланган усули календарь йил мобайнида ўзгартирилиши мумкин эмас.

Мутаносиб усул қўлланилганда ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси солиқ солинадиган оборотнинг умумий оборот суммасидаги улушидан келиб чиқиб аниқланади.

Алоҳида-алоҳида усул қўлланилганда қўшилган қиймат солиғи тўловчи солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборот мақсадларида

фойдаланиш учун олинган товарлар (ишлар, хизматлар) юзасидан харажатлар ҳамда қўшилган қиймат солиғи суммалари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритади. Бунда алоҳида-алоҳида ҳисобни юритиш имкони бўлмаган умумий харажатлар бўйича харажатларни тақсимлаш мутаносиб усулда амалга оширилади.

1.3. ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг заруратлари, мақсади ва вазифалари

ҚҚС бўйича ҳисоб-китобларни аудиторлик текширувларидан ўтказиш объектив зарурат ҳисобланади. Ушбу зарурат негизида кўплаб объектив ва субъектив сабаблар ётади. Уларнинг асосийлари сирасига биз қуйидагиларни киритган бўлар эдик.

Биринчидан, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҚҚСнинг умумдават аҳамиятига моликлиги. Ушбу солиқ ҳисоб-китобидаги хатоликлар, табиий равишда, умумдават манфаатларини паймол этилишига олиб келади.

Иккинчидан, ҚҚС корхоналар ва ташкилотлар томонидан тўланадиган солиқлар ва тўловлар ичида ҳам пул бирлигида, ҳам улуши бўйича етакчи ўрин тутиши. Бунини, чунончи, биз тадқиқотлар олиб борган “Комил-шонч” аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувлари ўқазилган “Самарқанд-Автотеххизмат” АЖ ва “Самарқанд дон маҳсулотлари” АЖ мисолида ҳам кўриш мумкин (9-жадвалга қаранг).

ҚҚСнинг корхоналар томонидан тўланадиган солиқлар ичидаги ўрни улар олдида ушбу солиқни тўғри ҳисоблаш ва бюджетга ўз вақтида ўтказиб беришдек масъулият ва жавобгарликни юклайди. ҚҚС ҳисоб – китобидаги хатоликлар корхоналарнинг давлат олдидаги ушбу масъулияти ҳамда жавобгарлиги ижросини тўлиқ бажармаганлигини билдиради.

**Самарқанд-Автотеххизмат”АЖ ва “Самарқанд дон маҳсулотлари”
АЖда 2016 йилда бюджетга ҳисобланган солиқ ва тўловлар**

№	Солиқ ва тўловларнинг турлари	“”Самарқанд-Автотеххизмат” АЖ		“Самарқанд дон маҳсулотлари” АЖ	
		Сумма, минг сўм	Улуши, %	Сумма, минг сўм	Улуши, %
1	ҚҚС	844 413	33.9	6 619 422	46.3
2	Фойда солиғи	161 242	6.5	156 012	2
3	Ободонлаштириш солиғи	101 712	5	27 113	0.2
4	ЖШДС	210 760	8	455 688	3.2
5	Дивиденд солиғи	110 039	4	16618	0.1
6	Мол-мулк солиғи	114 241	4.6	260 725	1.8
7	Ер солиғи	38 707	1.6	194 392	1.4
8	Сув солиғи	966	0.03	6 184	0.4
9	ПФга 25 %ликЯИТ	472 117	19	1 411 181	10
10	ПФга 7,5 %лик суғурта бадали	141 635	6	423 354	3
11	ПФга 1,6 %лик ажратма	136913	5.5	1 006 012	7
12	Йўл фондига 1,4%лик ажратма	119799	4.8	880 260	6.1
13	Таълим, тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш ва мукаммаллаштириш фондига 0,5 %лик ажратма	42785	1.7	314 379	2.2
14	Эскирган жихозлардан фойдаланилган учун тўлов	204,0	0.08	0	0
	Жами солиқ тўловлари	2495533	100,0	14266873	100,0

Самарқанд-Автотеххизмат”АЖ нинг 2016 йилда бюджетга ҳисобланган солиқ ва тўловлар улуши солиштирилганда қуйидаги фарқларни кўриш мумкин. ПФга 1,6 %лик ажратмалар 1.5 фоизга, Таълим, тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш ва мукаммаллаштириш фондига 0,5 %лик ажратмалар 0.5 фоизга, Сув солиғи 0.37 фоизга кам бажарилганлигини кўриш мумин. Қуйидаги солиқлар бўйича Фойда солиғи 4.5 фоизга, Ободонлаштириш солиғи 4.8 фоизга, ЖШДС 4.8 фоизга, Мол-мулк солиғи

2.8 фоизга, ПФга 25 %ликЯИТ 9 фоизга кўпроқ улушни эгаллаганлигини 9-жадвал маълумотидан кўриш мумкин.

Учинчидан, ҚҚС корхоналар томонидан тузиладиган молиявий ҳи
Учинчидан, ҚҚС корхоналар томонидан тузиладиган молиявий ҳисобот шакллари (бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот, пул оқимлари тўғрисида ҳисобот, хусусий капитал тўғрисида ҳисобот)нинг таркибий элементлари ҳисобланади. ҚҚС ҳисоб – китобидаги хатоликлар корхоналарда молиявий ҳисобот шаклларида унинг элементлари ҳисобланган активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромад, харажат, фойда ёки зарар кўрсаткичларига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, ушбу солиқ ҳисоб-китобидаги хатоликлар молиявий ҳисобот шаклларида нотўғри тузилишига олиб келади, мос равишда, улар ахборотларидан фойдаланувчилар манфаатларини бузилишига сабаб бўлади.

Тўртинчидан, ҚҚСга доир ҳисоб-китоблар хилма-хил ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ кўплаб кўрсаткичларни ўз ичига олади. Бинобарин, ушбу кўрсаткичларни солиқ қонунчилиги ҳужжатларида белгиланган тартибларда аниқлаш ва ҳисоб-китоб қилиш талаб этилади. Ҳисоб хизмати ходимлари томонидан мазкур тартибларни тўлиқ билмаслик ёки билиб туриб атайлаб уларни хаспўшлаш, табиий равишда, хатоликларга, мос равишда, турли салбий оқибатларга сабаб бўлади.

Бешинчидан, ҚҚСга доир ҳисоб-китоблар реаллигини назорат қилиш давлат солиқ органларининг ваколатига киради. Бироқ, бундай назорат, назоратларни мувофиқлаштириш органлари томонидан режага кўра 3-4 йилда бир маротаба ўтказилади. Шу йиллар ичида ўтказилмаган назорат сабабли йўл қўйилган хатоликлар ўз вақтида тузатилмайди, аксинча бундай хатоликлар йиллар мабойнида тўпланиб боради. Натижада, назорат

ўтказилган йилда олдинги йиллар бўйича ҳисоб-китобларда катта миқдорда четланишларга йўл қўйилиши, шунингдек охирги текширув йилида молиявий кўрсаткичларга салбий таъсир ўтказадиган молиявий санкцияларни (жарима ва пеняларни) тўлаш каби ҳоллар пайдо бўлади.

Юқоридаги ва бошқа сабаблар ҚҚС бўйича ҳисоб-китобларни имкон қадар ҳар йили ҳолис ташқи аудит кўригидан ўтказишни тақоза этади. Бундай ҳолис аудиторлик текшируви ҳам давлат, ҳам корхоналар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, ҚҚС ҳисоб-китобларини тўғри амалга оширишда корхоналарнинг ички аудит хизматитегишли ролни ўйнаши лозим бўлади. Акс ҳолда, бундай ички аудит хизматида наф бўлмайди.

Ҳам ташқи, ҳам ички аудитнинг асосий мақсади бўлиб ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблари реаллиги бўйича исботу-далилларни тўплаш, улар тўғрисидаги ахборотларни фойдаланувчиларга ўз вақтида тегишли қарорларни қабул қилиш ҳамда ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида етказиб бериш ҳисобланади.

ҚҚС бўйича ташқи ҳолис аудиторлар, шунингдек ички аудиторларнинг асосий вазифлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- *солиқ тўловчи мақомини тўғри аниқланганлигини текшириш;
- * солиқ режимининг тўғри танланганлигини текшириш;
- *солиқлар ва тўловлар турларидан тўғри фойдаланилаётганликни текшириш;
- *солиқлар ва тўловлар турларини тўғри ҳисобланганлигини текшириш;
- * солиқлар ва тўловлар турларини ўз вақтида тўланганлигини текшириш;
- * солиқлар ва тўловлар турлари бўйича қарздорликларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини текшириш;
- * солиқлар ва тўловлар турлари бўйича солиқ имтиёзларини тўғри ҳисобланганлиги ва улардан тўғри фойдаланилаётганликни текшириш;

* солиқлар ва тўловлар турлари бўйича молиявий санкцияларни ҳисоб ва ҳисоботда ўз вақтида ва тўғри акс эттирилганлигини текшириш;

*солиқлар ва тўловлар турларини динамик ва статик жиҳатдан таҳлил қилиш;

* солиқлар ва тўловларга ижобий ва салбий таъсир ўрсатаётган омилларни аниқлаш;

* солиқлар ва тўловлар турлари самарасини аниқлаш ва уни оширишнинг ички имкониятларини кўрсатиш;

* солиқлар ва тўловлар ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштиришга қаратилган аудиторлик тавсияларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни тадбиқ қилинишига эришиш.

2-БОБ. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР АУДИТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА АХБОРОТ ТАЪМИНОТИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1.ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг ташкилий асослари ва уни дастакларини такомиллаштириш йўналишлари

ҚҚС ҳам ташқи, ҳам ички аудитнинг муҳим объектларидан бири ҳисобланади. У бўйича ҳисоб-китоблар, олдинги бобда таъкидлаб ўтганимиздек, молиявий ҳисоботнинг таркибий элементларидан бири ҳисобланади. ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар корхонанинг барча турдаги фаолиятига, улардан олинган даромадларга, корхона мулкининг барча турларига тегишлидир. Ушбу хусусиятлар ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитини ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратишни тақоза этади.


ҚҚС бўйича ҳисоб-китобларнинг корхонанинг барча фаолияти ва мулкига тааллуқлиги уларни махсус савол тарзида ўтказишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигидан дарак беради. Чунки, ушбу солиқ ҳисоб-китоблари реаллигини текшириш кўплаб кўрсаткичларни комплекс тарзда текширишни тақоза этади. Шу боис ҳам, фикримизча, ҚҚС бўйича ҳисоб-китобларни комплекс аудит таркибида амалга ўтказиш етарлича самара беради.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг муҳим

таъминоти бўлиб унинг ташкилий таъминоти ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, аудитнинг ташкилий таъминоти адабиётларда атрофлича очиб берилган. Шу билан бирга ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг ташкилий асослари махсус очиб берилмаган.

ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг ташкилий асослари деганда уни режалаштириш ва ўтказишга доир ишларни бажариш тушунилади. Бу ишларни қуйидаги тўртта гуруҳга ажратиш, бизнингча, мақсадга мувофиқдир:

1. ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитини режалаштиришга доир ишлар;
2. ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитини ўтказишга доир ишлар;
3. ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудити натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштиришга доир ишлар;
4. ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитини натижаларини амалиётга жорий этишга доир ишлар (4-расмга қаранг).



4-расм. ҚҚС ҳисоб-китоблари аудитининг ташкилий асослари

ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитини режалаштириш ва ўтказишга доир ишларнинг юқорида келтирилган гуруҳлари таркибида аниқ муолажалар амалга оширилади. Ушбу муолажалар 10-жадвалда келтирилган.

10-жадвал

**ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг ташкилий босқичларида
бажариладиган муолажалар**

№	Ишлар босқичи	Бажариладиган муолажалар
1	Аудитни режалаштириш	*ҚҚС бўйича ҳисоб-китобларни ўз ичига олган комплекс аудитга доир шартномани тузиш; * ҚҚС бўйича ҳисоб-китобларни ўз ичига олган комплекс аудит режаси; *ҚҚС бўйича ҳисоб-китобларни ўз ичига олган комплекс аудит дастури
2	Аудитни ўтказиш	ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар реаллигини танланган усул ва услублар асосида текшириш
3	Аудит натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш	ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар реаллиги аудити натижаларини тегишли аудиторлик иш ҳужжатлари кўринишида расмийлаштириш, уларни аудиторлик ҳисоботида махсус боб ёки параграф сифатида ёритиш
4	Аудит натижаларини амалиётга тадбиқ этиш	ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблардаги, ҳисоб ва ҳисоботдаги хатоликларни тузатиш, уларни қайта топшириш

Ҳам ташқи, ҳам ички аудитни режалаштириш босқичида тузиладиган муҳим ҳужжатлар бўлиб, юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, шартномалар ҳамда уларнинг таркибий элементлари ҳисобланадиган аудит режаси ва дастури ҳисобланади.

Ташқи аудиторлик хизматлари тўғрисида шартнома – бу аудиторлик ташкилоти ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича тузилган юридик ҳужжатдир. Ушбу шартномада аудиторлик текширувининг қайси давр учун ўтказилиши, ўтказилиш муддатлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарликлари,

қиймати, форс-мажор ҳолатлар ва бошқалар аниқ кўрсатилади.

Аудиторлик текширувлари режаси- бу аудит текширувида амалга ошириладиган ишлар, уларни бажариш муддатлари, бажарувчилари кўрсатиладиган аудиторлик иш ҳужжат. ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар комплекс аудит режасида алоҳида бандда кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

Аудит дастури – бу барча аудиторлик амалларининг батафсил руйхати баён килинган аудиторлик иш ҳужжати. Аудиторлик дастури аудиторлар учун тулик йуриқнома сифатида хизмат килади ва сифатли ишлашни назорат этувчи восита ҳисобланади. ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар комплекс аудит дастурида алоҳида параграфда кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

Шуни таъкидлаш жоизки комплекс аудит режаси ва дастури ҚҚС бўйича ҳисоб-китобларга доир амалларни, шунингдек текширилиши лозим бўлган саволларни етарлича очиқ бермайди. Тадқиқотлар аудиторлик ташкилотлари томонидан тузилган комплекс аудит режаси ва дастурида ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитини алоҳида бандларга ажратилмаганлигини кўрсатди. Шунингдек, айрим аудиторлик текширувларни махсус режа ва дастурларни тузилмасдан ўтказилаётганлигини кўрсатмоқда. Адабиётларда бевосита ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитига мўлжалланган аудит режаси ҳамда дастури ҳам махсус ёритилмаган. Улар махсус стандартларда ҳам келтирилмаган. Шу боис, биз ўзимиз комплекс аудитнинг режаси ва дастурини янада бойитиш мақсадида бевосита ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудити бўйича махсус режа ҳамда дастурни ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Улар 11,12- жадвалларда келтирилган.

11-жадвал.

АУДИТ РЕЖАСИ

МЧЖ шаклидаги “Самарканд-Автотеххизмат” МЧЖ
МЧЖ шаклидаги: “Комил-Ишонч” аудиторлик ташкилоти

Асос: шартнома № 5/ 16, 09.01.2016 йил

Текширилаётган давр: 2016 йил

Киши-соат миқдори: 48 соат/киши

Аудиторлик гуруҳи раҳбари Эсанов О.М

Аудиторлик гуруҳи таркиби: аудитор-1 киши.

Режалаштирилаётган аудиторлик риси - 5 % (шартнома қийматидан)

Режалаштирилаётган жиддийлик даражаси – 10% (шартнома қийматидан)

N	Режалаштирилаётган иш турлари	Ўтказиш даври	Бажарувчи масъул аудитор
1	Корхонада ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар ва ички назорат ҳолатини текшириш	1.03.2016 – 1.03.2016	Эсанов О.М
2	ҚҚС бўйича ҳисоб-китобларнинг меъёрий ҳуқуқий асослари таъминотини текшириш	1.03.2016 – 1.03.2016	Эсанов О.М
3	ҚҚСга таъсир этувчи “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” моддалари реаллигини текшириш	2.03.2016 – 5.03.2016	Эсанов О.М
4	ҚҚСга доир “Бухгалтерия баланси” моддалари реаллигини текшириш	5.03.2016- 5.03.2016	Эсанов О.М
5	ҚҚСга доир “Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот” реаллигини текшириш	6.03.2016- 6.03.2016	Эсанов О.М
6	ҚҚСга доир “Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот” моддалари реаллигини текшириш	6.03.2016- 6.03.2016	Эсанов О.М
7	ҚҚС бўйича Аудиторлик ҳисоботи бўлимини тайёрлаш	7.03.2016 7.03.2016	Эсанов О.М
8	ҚҚС бўйича аудиторлик текшируви натижаларини муҳокама этиш ва тегишли қарорларни қабул қилиш	7.03.2016 7.03.2016	Эсанов О.М

12 жадвал

АУДИТ ДАСТУРИ

Текширилаётган ташкилот - Самарканд-Автотеххизмат” МЧЖ

Аудит даври – 2015 йил

Киши-соатлар сони – 48 соат/киши

Аудиторлик гуруҳи раҳбари – Эсанов О.М

Аудиторлик гуруҳи таркиби -1 киши

Режалаштирилаётган аудиторлик хатари – 5 %

Режалаштирилаётган жиддийлик даражаси – 10 %

Аудит бўлимлари бўйича аудиторлик тадбирлари руйхати	Ўтказиш муддати, кун	Бажарувчи	Аудиторнинг иш ҳужжатлари	Текширишга асос ҳужжатлар
--	----------------------	-----------	---------------------------	---------------------------

1.Солиққа тортиладиган оборотни текшириш 2.Солиқ имтиёзларини текшириш 3.Солиққа тортиладиган базани текшириш 4.Солиқ стакасини туғри қўлланилганлигини текшириш 5.ҚҚС бўйича ҳисобот даври боши ва охирига дебиторлик қарзни текшириш 6.ҚҚС бўйича ҳисобот даври боши ва охирига кредитор-лик қарзларни текшириш 7.Ҳисобот даврида ҳисобланган ҚҚС суммасини текшириш 8.Ҳисобот даврида камайтиришга олиб борилган ҚҚС суммасини текшириш 9.Ҳисобот даври учун бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасини текшириш 10.Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қолдирилган ҚҚС суммасини текшириш 11.ҚҚС бўйича ҳисобот даврида ҳисобланган ва тўланган жарима суммасини текшириш 12.ҚҚС бўйича ҳисобот даврида ҳисобланган ва тўланган пеня суммасини текшириш	6	Эсанов О.М	ҚҚС бўйича ҳисоб- китоб,Бош китоб, журнал- ордер, бошланғич хужжатлар	Солиқ кодекси, 21-БҲМС 15-сон БҲМС
--	---	------------	--	--

Фикримизча, биз томонидан ишлаб чиқилган аудит режаси ва дастури ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитини самарали ташкил қилиш ҳамда ўтказишда муҳим дастак ролини ўйнайди.

2.2. ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг ахборот манбалари ва уни такомиллаштириш

ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитида унинг ахборот таъминотининг ўрни бекиёсдир.

Аудитнинг ахборот таъминоти деганда, одатда, уни ўтказишда аудиторлар фойдаланадиган барча ахборотлар манбалари тушунилади.

ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг ахборот манбаларини 3 та гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Аудит ўтказишга асос бўлувчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар.
2. Молиявий ва солиқ ҳисоботлари
3. Хўжалик операцияларига гувоҳлик берувчи ҳужжатлар.

ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар бўйича аудитнинг ахборот манбаларининг ушбу гуруҳларига кирувчи ҳужжатлар таркиби 5-расмда келтирилган.



5-расм. ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг ахборот манбаларини

ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитини ўтказишда норматив ҳужжатларнинг роли каттадир. Бунда асосий манба бўлиб республикаимизнинг Солиқ кодекси ҳисобланади.

Аудиторлик текширувлари республикаимизда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонун” билан, шунингдек ушбу қонун асосида ишлаб чиқилган аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС) асосида ўтказилиши шарт. Аудиторлар, бир томондан ушбу қонун ва қонуности ҳужжатларига асосланишлари ҳамда уларга ҚҚС бўйича ҳисоб-китобларни текширишда амал қилишлари керак.

ҚҚС бўйича ҳисоб-китобларни текширишда корхоналарнинг ички меъёрий ҳужжатлари, чунончи “Бизнес режа”, “Ҳисоб сиёсати”, ички Низомлар, корхона раҳбарининг буйруқлари ҳам энг муҳим ахборот манбалари ҳисобланади. Аудиторлар нафақат ушбу ички меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги, балки уларнинг нақадар тўғри тузилганлиги, республикаимиз қонун ҳужжатларига мослиги, ижроси ва бошқа жиҳатларига ҳам эътиборни қаратишлари лозим.

ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитида бухгалтерия ҳисобига оид норматив ҳужжатлар, шунингдек амалга оширилган хўжалик операцияларига гувоҳлик берувчи бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари, регистрлари ва ҳисоб-китоблар катта роль ўйнайди. Бу ҳужжатларсиз аудитни ўтказиб бўлмайди.

Олдинги бобда таъкидлаб ўтилганидек, хизмат кўрсатиш корхоналари куп тармокли ҳисобланади. Чунончи, биргина “Самарканд- Автотеххизмат” МЧЖ 10 якин сотиш турларини олиб боради. Уларнинг барчаси турли ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Амалиётда қўлланилаётган сўёт-

фактуралар хизматларнинг алоҳида турлари бўйича сотишдан олинган ҚҚСни тўғри ҳисоб-китоб қилинганлигини тўғридан-тўғри назорат қилиш имконини бермайди. Фикримизча, счё-фактуранинг ахборот бериш имкониятини кенгайтириш мақсадида унинг предмет қисмида кўрсатилган хизмат тури, унинг ҳажмини ифодаловчи ўлчов бирлиги, бир бирлик хизмат тарифи, хизматга тўғри келадиган тўлов суммаси алоҳида-алоҳида кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш жоизки, “Самарқанд-Автотеххизмат” МЧЖ (собиқ АЖ) хусусий характерга эга бўлган автомобилларга кўрсатиладиган сервис хизматлар ҳисобини юритишни ташкил этишда ҳам илғор жиҳатларга эга. Буни, чунончи, автосервис хизматларни расмийлаштириш учун индивидуал тарзда ишлаб чиқилган бошланғич ҳужжатларда (турли далолатномаларда, автомобилларни ишлаб чиқарувчи завод билан ёзишма хат-ҳисоб-китобларда, алоҳида олинган сервис хизматлари турлари учун ишчи счётлар режасида махсус счётларни назарда тутилганлигида ва бошқаларда кўриш мумкин.

Шу билан бирга, автомобилларга кўрсатилаётган сервис хизматлар ҳисобининг ҳозирги ҳолатини айрим камчиликлардан холи деб бўлмайди. Мисол учун, корхонанинг ўзи томонидан ишлаб чиқилган бошланғич ҳужжатлар шаклан ва мазмунан уларни акс эттирувчи операцияларни тўлиқ акс эттирмайди, ушбу ҳужжатлар расмий ҳужжат статусига хос бўлган барча реквизитларни ҳам қамраб олмаган. Сервис хизматларни алоҳида турларини ҳисобини юритишга мўлжалланган счётлар номланиши, уларда акс эттирилаётган операциялар характери бўйича ҳам мукаммаллаштиришга муҳтож томонларга эга. Ушбу камчиликлар биргина “Самарқанд-Автотеххизмат” МЧЖ (собиқ АЖ)га хос эмас, албатта. Бундай ҳолат автомобилларга сервис хизматларни кўрсатаётган бошқа МЧЖ (АЖ)да ҳам мавжуд. Шу боис, фикримизча, автомобилларга кўрсатилаётган сервис

хизматларга доир яхлит бошланғич хужжатлар тизими, шунингдек яхлит счётлар тизими республика миқёсида ҳал этилиши ҳамда улар соҳанингбарча субъектларида бир хилда жорий этилиши мақсадга мувофиқдир.

Соҳада ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан бири бўлиб автосервис хизматларга доир харажатлар ҳисоби ва улар таннархини аниқлашнинг яхлит тартибини ўрнатиш ҳисобланади. Биз бу масалада Ё.Ж. Исроиловнинг автосервис хизматлар хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларга кетадиган харажатлар ҳисоби ва сервис хизматлар таннархини аниқлашга оид махсус Низом яратиш зарурлиги тўғрисидаги таклифларига²¹ қўшиламиз. Чунки, амалдаги “Маҳсулот (иш, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом” автосервис хизматлари хусусиятларини қамраб олмаган.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида ҚҚСга тортиладиган даромад ҳисобини аск эттиришга мўлжалланган счётлар тизимларини ҳам такомиллаштириш заруратлари мавжуд. Чунончи, автотеххизмат корхоналарида хизматларнинг алоҳида турларидан олинаётган даромадлар тизимли ҳисобини юритиш учун тармоқ счётлар режасида қуйидаги счётларни назарда тутиш лозим, деб ҳисоблаймиз

13-жадвал

Автотеххизматларни кўрсатувчи субъектларда даромадларни акс эттириш учун тавсия этилаётган счётлар

Счет т/р	Счет номи
9026	Бошқа хизматлар кўрсатишдан даромадлар”,
9027	Транспортировка хизматларни бажариш учун даромадлар”,
9030	Автомобилларга техник хизматлар кўрсатишдан даромадлар
9033	Техник кўрикдан ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлардан даромадлар

²¹ Исроилов Ё.Ж. Автомобилларга сервис хизматлар ҳисоби методологияси. кредит. – 2011, № 11. Б. 61-65;

// Ж.:Бозор, пул,

9034	“Электромобиллар орқали кўрсатилган хизматлардан даромадлар”
9035	Автомобилларни диагностика қилиш бўйича кўрсатилган хизматлардан даромадлар
9036	Бошқа хизматлардан даромадлар
9037	Автомобилларни гидросиновдан ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлардан даромадлар
9038	Автомобилларга газ балон ўрнатиш бўйича кўрсатилган хизматлардан даромадлар

Фикримизча, юқорида келтирилган таклифларимиз транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини янада такомиллаштиришга, шунингдек уларда ўтказиладиган аудиторлик текширувлари ахборот таъминотини яхшилашга имкон беради.

3-боб.ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР АУДИТИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.

3.1.ҚҚСга тортиладиган тушумлар реаллигининг аудити

ҚҚСни ҳисоб-китобида бош ролни унга тортиладиган тушумлар ўйнайди. Шу боис аудиторлар, авваламбор, ушбу тушумлар реаллигини аудит кўригидан ўтказиши лозим. Қуйида «Самарқанд-Автотеххизмат» МЧЖ мисолида ҚҚС базаси ҳисобланган тушумлар реаллиги аудитига тухаламиз.

МЧЖнинг 2015 йил якуни бўйича тузилган йиғма оборот ведомостига кўра (6,7-иловага қаранг) автомобилларга кўрсатилган сервис хизматлардан олинган даромадлар қуйидаги счётлар кесимида ва корреспонденциялар билан акс эттирилган (14-жадвалга қаранг).

14-жадвал

“Самарқанд-Автотехсервис” АЖда 2015 йилда автомобилларга кўрсатилган сервис хизматлардан олинган даромадларнинг счётлар кесими ва корреспонденциялар бўйича тафсилоти

№	Операция	Дебет	Кредит	Сумма, сўм	Ўзувлар ва суммалар- га гувоҳлик берувчи ҳужжатлар
1	Автомобилларга кўрсатилган техник хизматлардан олинган даромадларнинг тан олинган суммасига	5010, 5510, 4010	9030	918 093124,00	ККО, Баж. Ишларни топиш-қабул қилиш тўғрисида далолат- нома
2	Автомобилларга кўрсатилган техник хизматлардан олинган даромадларнинг якуний молиявий натижа счётига ўтказилган суммасига	9030	9910	918 093124,00	Бухгал- терия маълут- номаси
3	Техник кўрикдан ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлардан олинган даромадларнинг тан	5010, 5510, 4010	9033	16 211 400,00	ККО, Баж. Ишларни топиш-қабул

	олинган суммасига				қилиш тўғрисида далолат- нома
4	Техник кўриқдан ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлардан олинган даромадларнинг якуний молиявий натижа счегига ўтказилган суммасига	9033	9910	16 211 400,00	Бухгал- терия маълут- номаси
5	Электромобиллар орқали кўрсатилган хизматлардан даромадларнинг тан олинган суммасига	5010, 5510 4010	9034	153 191 000,00	ККО, Баж. Ишларни топиш-қабул қилиш тўғрисида далолат- нома
6	Электромобиллар орқали кўрсатилган хизматлардан даромадларнинг якуний молиявий натижа счегига ўтказилган суммасига	9034	9910	153 191 000,00	Бухгал- терия маълут- номаси
7	Автомобилларни диагностика қилиш хизматларидан олинган даромадларнинг тан олинган суммасига	5010, 5510, 4010	9035	66 335 280,00	ККО, Баж. Ишларни топиш-қабул қилиш тўғрисида далолат- нома
8	Автомобилларни диагностика қилиш хизматларидан олинган даромадларнинг якуний молиявий натижа счегига ўтказилган суммасига	9035	9910	66 335 280,00	Бухгал- терия маълут- номаси
9	Автомобилларни гидросиновдан ўтказиш хизматларидан олинган даромадларнинг тан олинган суммасига	5010, 5510 4010	9037	1 203 260,00	ККО, Баж. Ишларни топиш-қабул қилиш тўғрисида далолат- нома
10	Автомобилларни гидросиновдан ўтказиш хизматларидан олинган даромадларнинг якуний молиявий натижа счегига ўтказилган суммасига	9037	9910	1 103 260,00	Бухгал- терия маълут- номаси
11	Автомобилларга газ баллонларини ўрнатиш хизматларидан олинган даромадларнинг тан олинган суммасига	5010, 5510 4010	9038	56 700,00	ККО, Баж. Ишларни топиш-қабул қилиш тўғрисида далолат- нома
12	Автомобилларга газ баллонларини ўрнатиш хизматларидан олинган	90387	9910	56 700,00	Бухгал- терия

	даромадларнинг якуний молиявий натижа счетиға ўтказилган суммасига				маълут-номаси
13	Бошқа хизматлардан олинган даромадларнинг тан олинган суммасига	5010, 5510 4010	9026	159 024 688,34	ККО, Баж. Ишларни топиш-қабул қилиш тўғрисида далолат-нома
14	Бошқа хизматлардан олинган даромадларнинг якуний молиявий натижа счетиға ўтказилган суммасига	9026	9910	159 024 688,34	Бухгал-терия маълут-номаси
15	Автомобилларни транспортировка хизматларидан олинган даромадларнинг тан олинган суммасига	5010, 5510 4010	9027	428 939,00	ККО, Баж. Ишларни топиш-қабул қилиш тўғрисида далолат-нома
16	Автомобилларни транспортировка хизматларидан олинган даромадларнинг якуний молиявий натижа счетиға ўтказилган суммасига	9027	9910	428 939,00	Бухгал-терия маълут-номаси

2015 йилда автотеххизматлардан олинган даромадларнинг асосий қисми, кўриниб турибдики, 9030 “Автомобилларга техник хизматлар кўрсатишдан даромадлар” счетиға тўғри келади. Ушбу счётда акс эттирилган даромадларнинг тўлов турларини акс эттирувчи счётлар кесимидаги тафсилоти 15-жадвалда келтирилган.

15-жадвал

“Самарқанд-Автотеххизмат” АЖда 2015 йилда автомобилларга техник хизматлар кўрсатишдан олинган даромадларнинг тўлов турлаича тафсилоти (9030-счёт)

Корреспонденция-ланадиган счёт	Кредит счёт	Дебет счёт
5010		621 383 353,00
5720		123 085 833,00
6310		173 623 938,00
9910	918 093 124,00	
Оборот	918 093 124,00	918 093 124,00

15-жадвалдан кўриш мумкинки, автотеххизматлардан олинган даромадларнинг қарийб 67,70 % нақд пулга, 13,4 % пластик карталар, 18,9 % пул кўчириш орқали олинган.

Юқоридаги тавсифлардан кўриш мумкинки, “Самарқанд-Автотеххизмат” МЧЖда автомобилларга кўрсатилаётган хизматлардан олинган даромадлар ҳисоби умуман олганда 21-сон БҲМСга мос келади. МЧЖда даромадларни йўлга қўйиш борасида айрим диққатга сазовор ишлар қилинган. Жумладан, хизмат кўрсатишнинг алоҳида муҳим турларидан олинаётган даромадлар тўғрисидаги ахборотларни тизимли шакллантириш мақсадида улар учун ишчи счётларда махсус счётлар очилган. Шу билан бирга, нақдсиз пулга кўрсатилган сервис хизматлар 4010 “Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар”да юритилмаган. Бу счётнинг ўрнига 6310 “Харидорлардан олинган бўнақлар” счётидан фойдаланилган. Шунингдек, пластик карточкалар асосида кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар йўлдаги пулларни акс эттирувчи 5720 счётда акс эттирилган. Пластик орқали тўланган пуллар, одатда, банкнинг махсус счётларига тушади. Шу боис ҳам, пластик карточкалар асосида кўрсатилган хизматлардан олинган тушумларни 5520 “Пластик карточкалар асосида кўрсатилган хизматлардан олинган тушумлар” счётида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Аудиторлар кўрсатилган автосервис хизматларга доир даромад ва харажатларни бухгалтерия проводкаларида ҳисобчи томонидан акс эттирилганда, хато ва камчиликлар бўлиши мумкинлигини ҳам инобатга олиши лозим. Бундай хатоликлар сирасига, чунончи қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Счётларнинг 21-сон БҲМСга мувофиқ юритилмаётганлиги;
- Счётлар коренспонденцияларида хато ва камчиликлар бўлиши;
- Харажатларни тан олувчи счётларда штраф, солиқчилар томонидан ҳисоблаб кетилган солиқларнинг нотўғри счётларда акс эттириб, харажатларнинг кўпайиб кетишига олиб келиш ҳолатлари;

- Бирламчи хужжатларнинг нотўғри тўлдирилиши;
- Даромадларни нотўғри сўтларда акс эттирилиши ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботида камайтириб кўрсатиш ҳолатлари;
- Ҳисоблаш тамойилининг бузилганлик ҳолатлари.

Аудитор автосервис корхоналарида ҳисоб сиёсатида даромад ва харажатларни қонуний тартиб қоидаларига ҳам эътибор қилиши муҳим бўлиб ҳисобланади.

Биз ишимизнинг 2-бобида “Самарканд Автотеххизмат” МЧЖда автосервис хизматларига доир даромадлар турлари ва харажатларни ҳисобда акс эттирилиш тартибини батафсил ёритиб ўтган эдик. Ушбу корхонада “Жавлон аудит сервис” аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган аудиторлик текширувларида даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳолати амалдаги Низом ва стандартларга, чунончи 21-сон БҲМСсга мос келиши аниқланган. Чунончи, 2015 йилда даромадлар ва харажатларда четланишлар мавжуд эмаслиги аудиторлик текширувида тасдиқланган “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”да ўз аксини топган (16-жадвалга қаранг).

16-жадвал

**2015 йил якуни бўйича молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботни
текшириш натижалари**

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Корхона ҳисоботи бўйича	Аудит бўйича	Четланиш
1	Соф тушум	11 196 221	11 196 221	0
2	Сотиш таннари	4 553 021	4 553 021	0
3	Сотишдан олинган ялпи фойда	6 643 200	6 643 200	0
4	Давр харажатлари, жами	4 095406	4 095406	0
4.1	Сотиш харажатлари	792 752	792 752	0
4.2	Бошқарув харажатлари	1 225 452	1 225 452	0
4.3	Бошқа операцион харажатлар	2077 202	2077 202	0

5	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	124 133	124 133	0
6	Асосий фаолият фойдаси (зарари)	2 671 926	2 671 926	0
7	Молиявий фаолият даромадлари, жами	72 088	72 088	0
7.1	Фоиз кўринишидаги даромадлар	60 871	60 871	0
7.2	Ижобий курс фарқларидан фойда	843	843	0
7.3	Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар	10 374	10 374	0
8	Молиявий фаолият харажатлари, жами	57 873	57 873	0
8.1	Фоиз кўринишидаги харажатлар	57 873	57 873	0
8.2	Салбий курс фарқларидан зарар	0	0	0
8.3	Молиявий фаолиятга доир бошқа харажатлар	0	0	0
9	Умумхўжалик фаолият фойдаси (зарари)	2 686 141	2 686 141	0
10	Фавкулотдаги фойда	0	0	0
11	Фавкулотдаги зарарлар	0	0	
12	Солиқ тулагунга қадар фойда (зарар)	2 686 141	2 686 141	0
13	Фойда солиғи	289 554	289 554	0
14	Бошқа солиқлар	186 857	186 857	0
15	Соф фойда (зарар)	2 209730	2 209730	0

Аудит текширувида МЧЖнинг асосий фаолиятидан олинган даромадларининг ҳисобида ҳам четланишлар аниқланмаган (17-жадвалга қаранг)

17-жадвал

“Самарканд-Автотеххизмат” МЧЖда 2015 йилда асосий фаолиятдан олинган даромадларнинг ҳисобидаги тафсилоти

Счет т/р	Даромад тури	Бош китоб бўйича	Аудитда	Четланиш
90.20	Товарларни сотишдан даромадлар	617 052 257	617 052 257	0
90.25	Автомобилларни сотишдан дилерлик устамаси	7 227 077 221	7 227 077 221	0
90.26	Бошқа хизматлардан даромадлар	159 024 688	159 024 688	0
90.27	Транспортировка хизматларидан даромадлар	428 939	428 939	0
90.29	Бошқа ТМЗларни сотишдан даромадлар	693 390 776	693 390 776	0
90.30	Автомобилларга техник хизматлар кўрсатишдан даромадлар	918 093 124	918 093 124	0
90.37	Гидро синовдан утказишдан даромадлар	1 203 260	1 203 260	0

90.38	Газ балон урнатишдан даромадлар	56 700	56 700	0
90.33	Техник кўриқдан утказишдан даромадлар	16 211 400	16 211 400	0
90.34	Электромобил хизматларидан даромадлар	153 191 000	153 191 000	0
90.35	Идентификация қилишдан даромадлар	66 335 680	66 335 680	0
	ҚҚС	-1 360 720 055	-1 360 720 055	0
90.31	Эҳтиёт қисмларни сотишдан даромадлар	2 519 418 718	2 519 418 718	0
90.36	Бошқа сотиш турларидан даромадлар	185 455 109	185 455 109	0
	Жами	11 196 220 832	11 196 220 832	0

Шунингдек, аудит текширувида МЧЖда 2015 йилда сотиш таннархининг счетлар кесимидаги ҳисобида ҳам четланишлар аниқланмаган (18-жадвалга қarang)

18-жадвал

**“Самарканд-Автотеххизмат” МЧЖда 2015 йилда сотиш
таннархининг счетлар кесимидаги тафсилоти**

Счет т/р	Даромад тури	Бош китоб бўйича	Аудитда	Четланиш
91.20	Сотилган товарлар таннархи	532 828 647	532 828 647	0
91.26	Бошқа хизматлар таннархи	148 481 428	148 481 428	0
91.29	Бошқа ТМЗлар таннархи	481 529 590	481 529 590	0
91.30	Автомобилларга техник кўриқ хизматлари таннархи	912 989 825	912 989 825	0
91.34	Электромобил хизматлари таннархи	207 472 151	207 472 151	0
91.31	Сотилган эҳтиёт қисмлар таннархи	2 099 519 639	2 099 519 639	0
91.36	Бошқа сотиш турлари таннархи	170 199 889	170 199 889	0
	Жами	4 553 021 169	4 553 021 169	0

Шундай қилиб, автосервис хизматларни кўрсатувчи субъектларда даромадлар ва харажатлар аудитини назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш қуйидаги хулосаларни қилишга имкон берди:

*биринчидан, автосервис хизматларига доир даромадлар ва харажатлар аудитини ўтказиш борасида аудиторлик ташкилотларида диққатга молик тажрибалар мавжуд.

*иккинчидан, аудиторлик ташкилотлари тажрибаларини чуқур ўрганиш ҳамда уларнинг ижобий жиҳатларини кенг тарғиб этиш мақсадга мувофиқ.

3.2. ҚҚС реаллиги аудит

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) товарларни сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жарағида янги ҳосил қилинган қийматга асосланган ҳолда соф даромаднинг бир қисмини бюджет даромадига олиб қўйишнинг бир шаклидир.

Солиқ тўловчилар мукчиликнинг барча шакллариغا кирувчи мустақил баланс ва ҳисоб-китоб счётига эга, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар, ташкилотлар ва уларнинг мустақил бўлинмаларидир.

Товар (иш, хизмат)ларнинг сотилишига доир оборотлар, яъни юклаб жқнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборот ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20% миқдорида белгиланган.

Қўшилган қиймат солиғи суммаси белгиланган ставкалар асосида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_{\text{ҚҚС}} = C_{\text{Тоб}} * CC/100$$

Бунда: $C_{\text{ҚҚС}}$ – истеъмолчилардан ундириладиган солиқ суммаси;

$C_{\text{Тоб}}$ - солиққа тортиладиган оборот;

CC — Қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

Товар (иш, хизмат)лар қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олган нархлар ва тарифлар бўйича сотилганида — солиқ қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_{\text{ҚҚС}} = T_{\text{к}} * CC / (CC + 100)$$

бунда: $T_{\text{к}}$ — Қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган товар (иш, хизмат)лар қиймати.

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товар (иш, хизмат)ларни сотадиган корхоналар эркин (шартномавий) нарх ва тарифга қўшилган қиймат солиғи суммасини қўшмайдилар.

Ягона солиқни тўлайдиган кичик корхоналар, шунингдек, ялпи даромад солиғини тўлайдиган улгуржи савдо корхоналарига ҳам шунга ўхшаш тартиб тегишли бўлади.

20 фоизлик миқдордаги ставкалар бўйича қўшилган қиймат солиғига тортиладиган товарларни ишлаб чиқарувчи ва сотувчи корхоналар товарларнинг сотилиши ва уларга доир солиқлар суммаси юзасидан қўлланиладиган ставкалар бўйича алоҳида ҳисобни юритиши ва ҳисоб-китоб ҳужжатларида солиқ суммаларини товарлар турлари бўйича қўлланиладиган ставкаларга қараб кўрсатиши лозим.

Хом-ашё ва материалларни сотиб олувчи корхоналар уларнинг қийматини мол етказиб берувчиларга қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиб тўлайдилар. Мол етказиб берувчи харидордан олган қийматдан бюджетга солиқни тўлайди.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи сотилган

товарлар (бажарилган ишлар, хизматлар) учун ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммаси билан қиймати ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига киритиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи суммаси ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади.

Мисол: Корхона мол етказиб берувчиларга материаллар сотиб олгани учун қўшилган қиймат солиғини 7000 минг сўм қийматида тўлади, бу аввал 4410-«Солиқлар бўйича бўнак тўловлари» ҳисобварағида акс этирилади, ҳисобот даври охирида ушбу сумма 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» ҳисобварағининг дебетига кўрсатилади.

Бу қийматга қуйидаги бухгалтерия проводкаси берилади:

- материал сотиб олинганидаги ҚҚС суммасига, яъни 7000 минг сўмга:

Дебет 4410-«Солиқлар бўйича бўнак тўловлари»

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»

- ҳисобот даври охирида ҚҚС суммаси 6410-ҳисобварақ дебетига ўтказилганда, яъни 7000 минг сўмга:

Дебет 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» - 7000 минг сўм

Кредит 4410-«Солиқлар бўйича бўнак тўловлари» - 7000 минг сўм.

Бу материаллардан шу ойда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди. Унинг сотиш қиймати (ҚҚСсиз) 50000 минг сўм, дейлик. Ушбу маҳсулотни сотишда қўйиладиган ҚҚС суммаси 10000 минг сўм ($50000 \cdot 20\%$). Бунда сотишдан олинган ялпи тушум 60000 минг сўмни ташкил қилади ($50000 + 10000$).

Маҳсулотни сотишдан кейин қуйидаги проводкалар берилади:

1. Сотилган маҳсулот қиймати:

Дебет 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» - 50000 минг сўм

Кредит 9010-«Реализация» ҳисобварағи - 50000 минг сўм

2. Қўшилган қиймат солиғига:

Дебет 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» ҳисобварағи - 10000 минг сўм

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» ҳисобварағи - 10000 минг сўм.

Шу ойда бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғини аниқлаш учун харидорлардан олинган қўшилган қиймат солиғи ва мол етказиб берувчиларга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи, яъни 6410- ҳисобварақнинг кредити билан дебети солиштирилиб аниқланади.

Бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи юқоридаги мисолда 3000 минг сўмни ($10000 - 7000$) ташкил қилади. Бу солиқ бюджетга ўтказилганда:

Дебет 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» - 3000 минг сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» - 3000 минг сўм.

Қўшилган қиймат солиғига тортиладиган ва тортилмайдиган сотувчи, ишларни бажарувчи ва хизматларни кўрсатувчи корхоналар ушбу товарлар (ишлар, хизматлар)ни оладиган шахсга ҳисобварақ-фактурани тақдим этиш шарт.

Бунда мазкур корхоналар ҳисобварақ-фактурада Қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатишмайди ва «Қўшилган қиймат солиғисиз» деган белгилари муҳр қўяди (ёки ёзувни ёзади).

Корхоналар қўшилган солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тасдиқланган шакл бўйича ўсиб боровчи якун билан солиқ юзасидан рқйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати идораларига ҳар ойда ҳисоб ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмасдан ва йил якунлари бўйича йиллик молиявий ҳисоботни топшириш муддатида тақдим этади.

Корхоналар солиқни қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш учун белгиланган кунгача, тегишли давр (ой) учун сотишга доир амаллардаги оборот асосида тўлайди.

Солиқ бўйича ўтган ой учун тўлов суммаси энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдоридан ошган корхоналар охириги ойлик ҳисоб-китобга кўра бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасининг иккидан бири миқдорида жорий тўловларни тўлайди (ҳисобот ойининг 20-куни ва ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-кунида), сўнгра сотиш бўйича ҳақиқий айланмалардан келиб чиқиб, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунига қадар қайта ҳисоб-китоб бўлинади.

Агар корхона маҳсулот (иш, хизмат)ларни барқарор бўлмаган тарзда ишлаб чиқарадиган бўлса ёки корхонада навбатдаги ҳисоб даврида солиқ солинадиган оборот мавжуд бўлмаса, унда улар тўловларни ҳисоблашнинг биринчи муддатигача бу ҳақда давлат солиқ хизмати органларига ёзма равишда хабар бериши лозим.


Навбатдаги ҳисобот даврида мқлжалланган оборот камайган ҳолда тўловларнинг ҳисобланиши баён қилинган оборот ва тўланиши мқлжалланган солиқ суммаси асосида амалга оширилади.

Янгидан ташкил қилинган корхоналар, шунингдек, илгари тўловчи бўлмаган корхоналар фаолиятининг биринчи оyi учун солиқни амалдаги оборот асосида тўлайдилар. Фаолиятнинг кейинги ойларида қўшилган қиймат солиғи умумий белгиланган тартибда ҳисобланади ва тўланади.

Корхона солиқлар ва йиғимлар суммаларини ортиқча тўлаган ҳолда ҳамда солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи бўлмаган ҳолда бундай суммалар навбатдаги тўловлар ҳисобида ўтказилади ёки тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб 30 (қттиз) кун муддатда солиқ идораси томонидан солиқ тўловчига

қайтарилади.

ҚҚС аудитининг кетма-кетлиги. Юқоридаги тартиб–қоидаларга тўлиқ амал қилинаётганликни аниқлаш учун ҚҚС аудитини қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.



Юқоридаги тартиблардан кўриниб турибдики, ҚҚС бўйича бюджет олдидаги қарз тўланадиган ҚҚС суммасидан иборат бўлади. Бу кўрсаткич, ўз навбатида иккита омилга боғлиқдир: (1) сотишдан олинган ҚҚС суммасига ва (2) камайтиришга олиб борилган ҚҚС суммасига. Демак, аудит текширувида, дастлаб, сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лардан олинган ҚҚС суммасининг реал топилганлиги текширилиши лозим. Бунинг учун аудиторлик текширувида барча ҚҚСга тортиладиган маҳсулот (иш, хизмат)лариинг **ҳар бир тури** бўйича қуйидаги таҳлилий жадвал кўринишидаги аудиторнинг иш ҳужжатини тузиш лозим.

_____корхонаси бўйича _____йилда сотишдан олинган ҚҚС
суммаси

Счёт – фактура		Кимга сотилган	Жами сотиш қиймати	Шун- дан ҚҚС	ҚҚСсиз сотиш қиймати
№	Сана				
Жами					

Бир қанча сотиш турларини амалга оширувчи корхоналарда юқоридаги шаклда ҳар бир сотиш тури бўйича тузилган жадваллар асосида махсус куйидаги йиғма жадвални тузиш фойдадан холи бўлмайди.

_____корхонаси бўйича _____йилда асотишдан олинган ҚҚС бўйича
йиғма маълумотлар

Сотиш тури	Жами сотиш қиймати	Шундан ҚҚС	ҚҚСсиз сотиш қиймати	Сотиш таннархи	Сотишдан олинган ялпи фойда
1	2	3	4	5	6
Жами					

Изоҳ: (1) товар (иш, хизмат)лар таннархидан паст ҳолда сотилганда 3-устунчадаги сотишдан ҚҚС суммаси 5-устунчадаги сотиш таннархи суммасига нисбатан аниқланиши лозим; (2) 0 ставкали солиқ тўланадиган товарлар, иш ва хизматлар бўйича 3-устунчада ҚҚС суммаси кўрсатилмайди .

Юқоридаги жадвалнинг 3-устунидаги йиғма суммани бухгалтерия ҳисобида Кредит 6410 «ҚҚС бўйича қарздорлик» счёти ҳамда Дебет 4010 ва бошқа сотишни ифодаловчи ёзувлар суммалари йиғиндиси билан таққослаш, шунингдек ҚҚС ҳисоб-китобининг сотишдан олинган ҚҚС суммаси билан солиштириш корхона ҳисоби ва ҳисоботида ушбу кўрсаткични реал акс эттирилганлигини ёки унда қанчалик четланиш мавжудлигини кўрсатади.

Аудитнинг кейинги босқичида камайитиришга олиб бориладиган ҚҚС суммасининг реаллиги текширилади. Бунинг учун таъминотчиларга тўланган барча ҚҚС суммаси тегишли ҳужжатлар асосида йиғиб чиқилиши лозим. Аудит текшируви натижасида куйидаги ишчи ҳужжатни тузиш мақсадга мувофиқ.

**_____корхонаси бўйича _____йилда камайтиришга олиб
бориладиган
ҚҚС суммаси реестри**

Счёт – фактура		Кимга тўланган	Жами тўлов суммаси	Шун-дан ҚҚС	ҚҚСсиз тўлов суммаси
№	Сана				
1	2	3	4	5	6
Жами					

Юқоридаги жадвалнинг 5-устунидаги йиғма суммани бухгалтерия ҳисобида Дебет 6410 «ҚҚС бўйича қарздорлик» счёти ҳамда Кредит 4410 «ҚҚС бўйича бўнак тўловлар» счётидаги ёзувлар суммалари йиғиндиси билан таққослаш, шунингдек ҚҚС ҳисоб-китобининг кмайтиришга олиб борилган ҚҚС суммаси билан солиштириш корхона ҳисоби ва ҳисоботида ушбу кўрсаткични реал акс эттирилганлигини ёки унда қанчалик четланиш мавжудлигини кўрсатади.

Аудитнинг кейинги босқичида сотишдан олинган ҚҚС ва камайтиришга олиб борилган ҚҚС ҳисоб-китоблари бўйича тузилган юқоридаги шаклдаги аудиторларнинг иш ҳужжатлари маълумотлари асосида бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммасининг реаллигига баҳо берилади. Бунинг учун ҚҚС ҳисоб-китоби маълумотларини корхона ҳамда аудит текшируви маълумотлари ўзаро таққосланади.

Кўриниб турибдики, юқоридаги аудиторнинг иш ҳужжати корхонада ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблари тўғри қилинганлигини ёки ундаги мавжуд четланишларни ўзида мужассамлаштирган. Ушбу маълумотлар тегишли қарорларни, чунончи ҚҚС ҳисоб-китобини қайта топшириш, ҳисоб ва ҳисобот маълумотларига тузатишлар киритиш бўйича қарорларни қабул қилишга асос бўлади..

ҚҚСни ҳисобот даврлари бўйича тўлаш тартибига риоя этилганлигини, унга доир молиявий санкциялар, дебиторлик ёки кредиторлик қарзларни тўғри ҳисобланганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини, бошланғич ҳужжатларни, бухгалтерия ёзувларини, уларда суммаларни тўғри акс эттирилганлигини текшириш учун худди акциз солиғи бўйича келтирилган шаклдаги аудиторлик иш ҳужжатини тузиш лозим..

ҚҚС бўйича аудиторлик хатари ушбу солиқнинг асосий элементларидаги

четланишлар ва хатоликларни топмасликда ёки тўғри бўлган маълумотларни нотўғри деб расмийлаштирилганлигида ҳисобланади. Ушбу хатарни камайтириш учун қуйидагиларга амал қилиш ўта муҳимдир:

- *ҚҚС доир кўрсаткичларга оид исботу-далилларни кўпроқ тўплаш;
- *бу солиқ бўйича танлаб текширишга йўл қўймаслик;
- *текширув натижаларини аудиторлик ҳисоботида атрофлича очиб бериш.

4-боб. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ СУБЪЕКТЛАРИДА МЕҲНАТ ВА ҲАЁТ ХАВФСИЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкдаги корхоналарнинг самарадорлиги уларнинг ҳаёт хавфсизлигига бевосита боғлиқдир. Корхоналарнинг фаолият турига қараб, уларнинг хавфсизлиги таъминланади. Ушбу жараёни яхшилаш корхона маъмуриятнинг асосий вазифаларига киради. Автосевис хизматларини кўрсатувчи корхоналарда ташкилотчилик, маъмурий-хўжалик ишларини амалга оширувчи, хизматлар кўрсатиш жараёнларни ташкил қилувчи, меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимларга керакли бўлган меҳнат шарт-шароити яратилиши керак. “Самарқанд Автотеххизмат” АЖ да ушбу соҳада маълум ишлар амалга оширилган. Жумладан:

- ходимларнинг соғлигини текширувчи махсус бўлинма мавжуд;
- санитария постлари ташкил қилинган;
- дам олиш хоналари мавжуд;
- ходимлар билан йиғилиш учун алоҳида хона мавжуд;
- кўриқчилик хизмати ташкил қилинган;
- иш режими белгиланган;
- техник кузатув камералари ўрнатилган;
- техника хавфсизлиги бўлинмаси мавжуд.

Ҳаёт хавфсизлиги бўйича ходимларига қўйиладиган асосий талаблар, улар томонидан давлат сиёсатини яхши тушунишлари ва уни амалга ошириш учун шароитлар яратилган. Корхона маъмуриятига юклатиладиган вазифалар ишчилар билан маъмурият ўртасида тузиладиган меҳнат битимларда ўз аксини топади. Ушбу меҳнат битимини тузиш Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси тадабдаридан келиб чиқади. Ишчи маълум мутахассислик бўйича белгиланган вазифани корхона ички тартиб-қоидаларига риоя қилган

ҳолда бажариш, маъмурият эса меҳнат қилиш қонуниятларига асосан ва тузилган меҳнат битимида кўзда тутилган мажбуриятларни ўз ичига олади. Ҳар бир ишчи, хизматчи учун мутахассислиги ва малакасига қараб маълум иш жойини ташкил қилиши, соғлом ва хавфсиз иш шароитини барпо қилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида корхона ходимларининг меҳнати соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш махсус моддада келтирилган. Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабаларига мувофиқ бўлиши лозим. Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарarli омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш корхона маъмурияти зиммасига юклатилган.

Корхона ходимлари меҳнат шароити зарarli ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда маъмурият меҳнат қилувчиларга белгилаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқатларни ташкил этишлари керак.

Хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларида ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларини ташкил қилиш қасаба уюшмаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларининг мутахассислари барча ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрларига риоя этишларини назорат қилиш, тармоқ бўлинмалари раҳбарларига аниқланган нуқсонларни бартараф этиш ҳақида бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериш, шунингдек, меҳнатни

муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузаётган шахсларга нисбатан чоралар кўриш ҳақидаги корхоналарнинг раҳбарларига тақдимномалар киритилади.

«Samarqand Avtotexxizmat» АЖнинг асосий вазифаси юридик ва жисмоний шахсларга автомобиль савдосини ташкил қилиш, уларга автосервис хизматини кўрсатишга қаратилган.

Корхонада ишчи ва хизматчилар учун маълум шарт шaroитлар яратилган. Меҳнатни муҳофаза қилишга қаратилган ички назоратчилаар тайинланган. Уларнинг вазифалари бахтсиз ходисаларни олдини олиш, ходимларнинг меҳнат фаолияти самарадорлигини кўтаришга қаратилган. Ёнғинга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, ёнғин хавфсизлигига оид норма-қоидалар мавжуд.

Акциядорлик жамиятида жамоат назорати касаба уюшмаси орқали амалга оширилади, яъни меҳнатни муҳофаза қилиш ва жамоат инспекторлари таркибида ходимларнинг ҳаёт хавфсизлиги таъминланиб борилмоқда.

Ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш инспекцияси томонидан меҳнат қонунлари, хавфсизлик бўйича норма ва қоидаларни бажариш жараёнлари кузатиб келинмоқда. Хизмат кўрсатиш жиҳозлари ва қурилмаларининг созланганлиги, ишчиларни махсус кийим ва шахсий муҳофаза воситалари билан таъминланганлиги назоратга олинган.

«Samarqand Avtotexxizmat» АЖ ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашни янада яхшилашга қаратилган қуйидаги тавсияларни берамиз:

- корхонада ҳаёт фаолияти хавфсизлигини янада яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш;
- корхона ходимлари томонидан ички тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилинишига эришиш;

- ходимларга ёнғин хавфсизлиги ва фавқулотда ҳолатларда ҳаракат қилишга қаратилган тушунтириш ишларини олиб бориш;
- фавқулотда ҳолатларда фойдаланиладиган хўжалик инвентарларининг будлигини таъминлаш;
- фавқулотда ҳолатларни олдини олиш бўйича масъул ходимларнинг масъулиятини ошириш;
- хизмат кўрсатиш ишчи-ходимларининг фаоллик даражасини доимий равишда текшириб бориш;
- ходимлар меҳнатининг самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг маъданий дам олишларини янада яхшилаш.

Мазкур таклифларнинг амалга оширилиши натижасида ходимларнинг ҳаёт хавфсизлиги ва саломатлиги таъминланади деб ҳисоблаймиз.

ХУЛОСА

ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудини назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиш бизга қуйидаги хулосаларни қилишга, шунингдек таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга имкон берди.

1. Дунё мамлакатлари ва бизнинг республикамиз амалиётида мавжуд бўлган солиқ турлари ичида қўшилган қиймат солиғи алоҳида ўрин тутди.

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) – бу товарларни сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида янги ҳосил қилинган қийматга асосланган ҳолда соф даромаднинг бир қисмини бюджет даромадига олиб қўйишнинг бир шаклидир.

ҚҚС ҳам давлатга, ҳам солиқ тўловчиларга афзал солиқ тури ҳисобланади. Чунки, унинг ҳамма учун бир хилда ўрнатилганлиги сабабли, бир томондан, ундан бош тортиб бўлмайди, иккинчи томондан эса, умумбелгиланганлиги учун бу солиқ билан иқтисодий хатоликларларга йўл қўйиш камроқ бўлади.

2. ҚҚСга оид оборот, имтиёзлар, солиққа тортиладиган база, ставка, солиқни ҳисобланиши ва бюджетга ўтказиб берилиши, улар бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳолати турли кўрсаткичларда ягона пул бирлигида ва бошқа ўлчов бирликларида ифодаланади. Ишимизда ушбу кўрсаткичлар тизими ишла чиқилди ва уларни аниклаш тартилари кўрсатиб берилди.

3. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналари тадбиркорлик субъектлари сифатида ўзига хос солиқ тўловчилар бўлиб ҳисобланади. Ушбу хусусиятлар, чунончи хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларининг республикамизнинг солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ умумдават ва ихчамлаштирилган солиқ режимларида фаолият юритишида, улар томонидан тўланадиган солиқ турларида, солиққа тортиладиган оборот, солиқ базаси, солиқ ставкаси, солиқни ҳисоблаш даври, солиқни тўлаш вақти ва бошқа тартибларда, шунингдек бу соҳа субъектларига солиқ ва тўловлар

бўйича кўплаб имтиёзлар ва преференцияларни берилганлигида ёрқин намоён бўлади. Айнан ушбу хусусиятлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида солиқ тўловларини ҳисоб-китоб қилиш ва ҳисобини юритишга, мос равишда, улар аудитини ўтказишга ҳам ўз таъсирини ўтказди.

4. ҚҚС бўйича ҳисоб-китобларни аудиторлик текширувларидан ўтказиш объектив зарурат ҳисобланади. Ушбу зарурат негизида кўплаб объектив ва субъектив сабаблар ётади. Ишимизда ушбу сабаблар тизимланди ва очиқ берилди.

5. Тадқиқотлар аудиторлик ташкилотлари томонидан тузилган комплекс аудит режаси ва дастурида ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитини алоҳида бандларга ажратилмаганлигини кўрсатди. Шунингдек, айрим аудиторлик текширувларни махсус режа ва дастурларни тузилмасдан ўтказилаётганлигини кўрсатмоқда. Адабиётларда бевосита ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитига мўлжалланган аудит режаси ҳамда дастури ҳам махсус ёритилмаган. Улар махсус стандартларда ҳам келтирилмаган. Шу боис, биз ўзимиз комплекс аудитнинг режаси ва дастурини янада бойитиш мақсадида бевосита ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудити бўйича махсус режа ҳамда дастури ишлаб чиқилди.

6. ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар аудитида унинг ахборот таъминотининг ўрни беқиёсдир. ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар бўйича аудитнинг ахборот манбаларининг 5 та гуруҳга бўлинди ва уларига қиравчи ҳужжатлар таркиби белгиланди.

7. Автомобилларга кўрсатиладиган сервис хизматларни ривожлантирилиши ушбу соҳа субъектларида бошқарувнинг барча воситаларини ҳам такомиллаштиришни долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўяди. Бу бевосита бухгалтерия ҳисоби ва ушбу соҳа субъектларида аудит ўтказиш масалаларига ҳам тегишлидир.

8“Самарқанд-автотеххизмат” МЧЖ автосервис хизматлар соҳасида яхши натижаларга эришаётган субъектлардан биридир. Ушбу корхонанинг йилига ўртача 10 миллирад сум миқдорида соф тушумга, 2 миллирадан ортиқ соф фойдага эришаётганлиги, шунингдек ҳар йили 20 мингдан ортиқ автомобилларга сервис хизматларни кўрсатаётганлиги бунинг ёрқин гувоҳидир.

9.“Самарқанд-автотеххизмат” МЧЖ бухгалтерия ҳисобини ҳам замон талабларида олиб бораётган илғор корхоналардан биридир. Корхонада республикамизнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонуни, БҲМСларни жорий этилганлиги, ҳисоб ва ҳисобот ишларини энг охириги версиядаги 1:С-дастури асосида олиб борилаётганлиги ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир.

10. Автомобилларга кўрсатилаётган сервис хизматлар хусусиятлари улар ҳисобини тартибга солиб турувчи махсус ҳужжатларни яратишни зарурат қилиб қўймоқда. Чунончи, автосервис хизматларни кўрсатишни ҳужжатли расмийлаштириш, ушбу ҳужжатларни яхлит шакллариини ишлаб чиқиш, даромад ва харажатларни тан олиш, ҳисобини юритиш, улар таннархини аниқлашнинг яхлит тартибларини ўзида ифодаловчи махсус меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш давлат миқёсида турган долзарб масалалардир.

11.Автосервис хизматларни кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларда ички ва ташқи аудитни ҳам самарадорлигини ошириш ва аудит ўтказишнинг хорижий стандартларига мос даражаларга олиб чиқиш заруратдир, бу масала ҳам давлат миқёсида долзарбдир.

12.Автомобилларга кўрсатилагн сервис хизматлардан олинаётган даромадлар ва улардан олинадиган ҚҚС ҳисоби ва аудитинининг методологик тартибларини такомиллаштириш, чунончи улар ҳисобини яхлит тарзда олиб бориш учун умумбелгиланган счётларни счётлар режаси (21-сон БҲМС)га киритиш зарур.

